

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

Истамов Жаҳонгир Боходирович

**“Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари даромадларининг
шаклланиши ва уларни ошириш йўллари” (Навоий вилояти
хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари мисолида)**

5A230102 “Иқтисодиёт (хизматлар соҳаси)”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга тавсия этилди.
“Иқтисодиёт” кафедраси
мудирив.б., и.ф.н.,
доцент Ш.А.Султонов

Илмий раҳбар:
и.ф.н. Э.С.Файзиев

_____ «___» _____ 2015 й.

САМАРҚАНД – 2015

МУНДАРИЖА

	Кириш	3
I-боб.	Хизматлар соҳасини ташкил этишнинг назарий ва методологик масалалари	6
1.1.	Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва аҳамияти	6
1.2.	Хизматлар соҳасини таҳлил қилишнинг методологик асослари	12
1.3.	Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида даромадларни оширишнинг объектив зарурияти	21
II-БОБ	Навоий вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари ва корхоналарида хўжалик фаолиятининг таҳлили	27
2.1.	Навоий вилоятининг иқтисодий-ижтимоий тавсифи	27
2.2.	Навоий вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси ҳолатининг таҳлили ва тадқиқотлари.	43
2.3.	Навоий вилояти хизмат кўрсатиш корхоналари даромадлари кўрсаткичларининг таҳлили	61
III-Боб	Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотларида даромадларни ошириш йўналишлари	74
3.1.	Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотларида даромадларни ошириш йўллари.	74
3.2.	Хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотларида ҳаёт ва ёнгин ҳавфсизлиги.	87
	Хулоса	91
	Фойдаланилган адабиётлар	93

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодийни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Хусусан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал суратларда ривожланиши натижасида аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва иш билан бандлик масалаларини ҳал қилиш имконияти яратилиб келинмоқда. Шу боис, ушбу соҳани тараққий эттириш республика ҳукуматининг доимо диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодийтимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида “2015-йилда иқтисодийтимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” мавзусидаги маърузасида “2014-йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизга ошди. Бугунги кунда иқтисодийда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда. Ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилаётган иш ўринларининг учдан бир қисмидан кўпроғи айнан мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу борада хизматлар таркиби ҳам

тубдан ўзгариб бораётганини таъкидлаш жоиз. Мобил алоқа, юқори тезликда ишлайдиган интернет, кабелли телевизион алоқа, масофавий банк хизматлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, автомобиллар ва технологик ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш каби замонавий юқори технологиялар асосидаги хизмат турлари аҳоли ўртасида тобора оммалашиб бормоқда” деб таъкидлаган. Лекин, бу борада айрим муаммолар мавжуд. Бунинг асосий сабаби хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятининг бугунги кун талабига мос иқтисодий механизмининг яратилмаганлиги, улар фаолиятида иқтисодий воситалардан фойдаланиш, хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан иқтисодий алоқалари ва давлат ҳокимият органлари билан муносабатларининг такомиллашмаганлигидир. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланиши билан боғлиқ масалалар, хусусан уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилиш йўлларининг ҳамон ўз ечимини топмаганлиги ҳам ушбу мавзунини танлашга асос бўлди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг ўзига хос хусусиятлари ва айрим назарий ва амалий жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Пардаев М.Қ., Қудратов Ғ.Ҳ., Абдукаримов Б.А., Мирзаев Қ.Ж. ва Э.Файзиев кабиларнинг илмий ишларида ёритилган.

Бу ишларда хизмат соҳаларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, уни тараққий эттириш концепциялари, ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш йўллари ва услублари етарли даражада тадқиқ этилган. Бироқ, ҳукуматимиз томонидан хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини янада кучайтириш, унинг бандликни таъминлашдаги аҳамиятини ва ЯИМ даги улушини ошириш масалалари кўзда тутилганлиги мазкур танланган мавзунинг янада долзарблигини ва бу борада ҳали етарлича иш олиб борилмаганлигидан далолат беради.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Иқтисодиёт» кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан **Тадқиқотнинг мақсади.** Ҳозирги босқичида иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш шароитида хизмат соҳаларининг иқтисодиётда тутган ўрни ва уни ривожлантириш орқали бандлик ва фаровонлик масалаларининг назарий, услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

- хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий асосларини очиб бериш;
- Ўзбекистонда хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;
- хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси ўрганиш ва уларнинг ижобий томонларини республикада жорий этиш бўйича тавсиялар бериш;
- хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш борасидаги хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ўрганилиб, улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Навоий вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тавсифини ўрганиш;
- Навоий вилоятида хизматларнинг умумий таҳлил қилиш ва ўрганиб, умумий хулосалар бериш;

- Навоий вилоятида аҳоли бандлигини таминлашда хизмат соҳасининг аҳамиятини ошириш борасидаги муҳим вазифаларни ишлаб чиқиш;

Тадқиқот объекти. бўлиб, Навоий вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган субъектлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳасида ва хусусий тадбиркорлик субъектларида содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Математик моделлар, танлаб кузатиш, гуруҳлаш, қиёслаш каби статистик ва иқтисодий таҳлил методлари.

Ишнинг **назарий ва услубий асосларини** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид асарлари, фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини изчил давом эттириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш шароитида вилоятнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, хизматлар соҳасини ривожланиш муаммоларини ҳал қилиш бўйича назарий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация ишининг асосий натижалари Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти профессор-ўқитувчиларнинг ҳамда талаба ва магистрларнинг илмий-амалий анжуманларида (Самарқанд, 2014 й., 2015 й.) илмий маърузалар кўринишида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I-Боб Хизматлар соҳасини ташкил этишнинг назарий ва методологик масалалари .

1.1.Иқтисодийни эркинлаштириш шароитида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва аҳамияти

Иқтисодийни эркинлаштириш ва модернизациялаштиришнинг ҳозирги босқичида республикамызда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлардан кўзланган асосий мақсад, миллий иқтисодийни ривожланган давлатлар даражасига етказиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадларга эришишда асосий ўринлардан бирини сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси эгаллайди.

Етакчи давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тажрибаси шундан далолат берадики, дунё ҳамжамиятининг янги сифат даражасига ўтиши ўсишнинг янги прогрессив манбааларини сафарбар этиш билан боғлиқ. Бу авваламбор инсон омилининг ролини ошириш, янги сифатдаги ишловчини шакллантиришга боғлиқ бўлади. Шундай экан, юқорида қайт қилинган масалаларни сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантирмасдан амалга ошириб бўлмайди.

Ривожланишнинг ҳозирги босқичида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси бозор муносабатларини ривожлантиришнинг кенг қамровли секторига, аҳолини иқтисодий фаолиятга жалб қилишнинг асосий манбааларидан бирига айланиб бормоқда. У ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан чамбарчас боғлиқдир. Тегишли равишда ушбу соҳа миллий иқтисодийнинг ўсиш суръатларини таъминлаш, ҳаёт даражасини сифат жиҳатидан оширишнинг асосий манбааларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Хизмат соҳасининг якка тартибдаги ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш имкониятлари сифат жиҳатидан иқтисодий ўсиш истиқболлари ва мамлакатнинг маънавий жиҳатдан юксалишига таъсир кўсатади.

Хозирги кунда тармоқларнинг халқаро таснифлаштирилишида уч секторга ажратиш қабул қилинган : биринчи (қишлоқ хўжалиги, казиб олиш саноати), иккинчи (қайта ишлаш саноати) ва учинчи (хизматлар соҳаси ёки ижтимоий соҳа).

Иқтисодий адабиётда сервис ва хизматлар соҳасининг чегаралари тўғрисида турли фикрлар мавжуддир. Жумладан ушбу соҳага турли хилдаги хизматлар ҳисобланган маиший хизматлар, йўловчи транспорти хизматлари, алоқа, турар жой-коммунал хизматлар, таълим, маъданият, туристик-экскурсион, жисмоний маданият ва спорт, тиббий-соғломлаштириш тизими хизматлари, ҳуқуқий тавсифдаги хизматлар ва бошқаларнинг киритилиши, ушбу хизматларга хос бўлган ўзининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни бўйича бир хил бўлган қатор функциялари билан асосланади.

Биринчидан, маҳсулотнинг белгиланиши бирлиги нуқтаи назаридан. Хизматлар соҳаси маҳсулоти – қийин ва қарама-қарши тушунчадир. Бу ерда шу нарсани эътироф этиш мумкинки, истеъмол фондини оширишга йўналтирилган хизматларни ижтимоий соҳа маҳсулоти деб аташ мумкин бўлади.

Иккинчидан, истеъмол қилинадиган ресурслар нуқтаи назаридан. Истеъмол қилинадиган ресурслар ўхшашлиги ушбу харажатлар структурасида намоён бўлади. лекин улар моддий соҳанинг таркибига кирувчи саноат ва қурилишга қараганда кескин фарқ қилади. Хизматлар соҳасида моддий харажатлар даражаси моддий соҳага қараганда бир неча баробар камдир.

Учинчидан, кадрлар таркибининг ўзига хос белгисига кўра. Хизматлар соҳасида асосан олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар фаолият юритишидилар. Бошқача қилиб айтганда, ушбу соҳа келгусида асосий иш жойларни таъминлаш манбааларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Хизматлар соҳасидаги меҳнат маҳсулоти хизмат (меҳнатнинг фойдали самараси) шаклида намоён бўлади. Ҳозирги кунга келиб, иқтисодий адабиётда хизматларнинг меҳнат асоси ва уларнинг қиймат баҳоси исботланган.

Э.М.Агабабян қуйидагиларни таъкидлайди. «иқтисодий фаолиятнинг мақсади-ижтимоий бойликни унинг ҳар қандай вужудга келиш шакллари бўйича оширишдир», инсонни ҳар томонлама баркамол тарзда ривожланишини таъминлашда моддий ва номоддий соҳалар (шу жумладан хизматлар соҳасида ҳам) катта ўрин тутди. Иккинчидан, меҳнат маҳсулоти ва унинг натижасини фақат буюмлаштирилган деб тушуниш шарт эмас. Хизматларнинг меҳнат табиати эътирозларга сабаб бўлмайди, товар ишлаб чиқариш шароитида эса, хизматлар албатта қийматга эга бўлади. Лекин ижтимоий-маданий соҳа хизматларининг ҳаммасига ҳам истеъмолчилар томонидан бевосита ҳақ тўланмайди.

Хизматлар соҳасидаги меҳнат натижаларининг товар шакли хусусиятлари унда бозор элементларини қўллаш тўғрисидаги масала махсус таҳлил қилишга муҳтождир. Иқтисодий адабиётда нисбатан узоқ вақт мобайнида моддий ишлаб чиқариш маҳсулоти билан бир қаторда жамиятнинг барча ялпи ишловчиси (хизматлар соҳасини қўшган ҳолда) фаолиятининг суммадаги натижасини ҳисоблаш кўзда тутилиб келинмоқда. Ушбу таклифлар ҳисоб ва ҳисобот амалиётида амалга оширила бошланди. 1988 йилдан бошлаб йиллик статистика маълумотларида ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) кўрсаткичи пайдо бўлди. Ушбу кўрсаткич БМТ методологияси бўйича ҳисобланади. У миллий иқтисодиёт бўйича (моддий ишлаб чиқариш соҳаси корхоналари ва ноишлаб чиқариш соҳаси) фаолиятининг охириги натижаларини акс эттиради.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш узоқ йиллар йиллар мобайнида инсоннинг хўжалик фаолияти ва унинг ижтимоий жамият

ҳаётининг бир қисмини ташкил этади. Хизматларнинг ижтимоий жамият институти сифатида, инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқалар шакли сифатида, фойдали фаолият сифатидаги мавжудлиги инсоният жамияти ва турмушининг таркибий қисми ҳисобланади. Бундан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, айнан хизматлар жамиятнинг ривожланиш даражасини нафақат унинг ишлаб чиқариш кучлари нуқтаи назаридан, балки маънавий ва ахлоқий ҳолатини ҳам акс эттиради.

Юқорида қайд қилинганлардан хизматларнинг икки томонлама тавсифини кўриш мумкин. С.И.Ожоговнинг атамалар луғатига тегишли равишда «хизмат» сўзи икки аҳамиятга эга:

- бошқага наф келтирувчи ҳаракат
- кимгадир тақдим этилаётган хўжалик қулайликлари.

Биринчи аҳамият хизматларнинг ахлоқий томонини, иккинчиси-хизматларнинг ишлаб чиқариш томонини тавсифлайди.

Жамиятнинг ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши билан хизматларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик қирралари ошиб боради, Асосийси - аҳоли томонидан хизматларга эҳтиёж ва талаб ортиб бормоқда. Индустрал жиҳатдан ривожланган давлатларда хизматларнинг ЯММ даги ҳиссаси 2/3 дан 3/4 га етди.

Республикамизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси аста секинлик билан ривожланиш тавсифига эга бўлиб бормоқда. Ушбу соҳанинг жадал суратлар билан ривожланишида туртки бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006-2010 йиллар мобайнида Республикамизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳисобланади.

Ҳозирги кунга келиб хизматлар индустрияси турли хилма-хиллик балан фарқланади. Ушбу соҳада тижорат секторининг катта қисми ҳаракат қилади. Улар жумласига авиакомпаниялар, банклар,

маълумотларни компьютерда қайта ишлаш бюрolari, суғурта, юридик ва консалтинг фирмалари, хусусий тиббий муассасалар ва бошқалар қаради.

Сервис ташкилотлари ўзларининг катта-кичиклари бир-бирларидан фарқ қилишади. Уларнинг таркибига банк, суғурта иши, телекоммуникациялар, меҳмонхона хўжалиги ва ташиш каби соҳалардаги йирик халқаро корпорациялардан тортиб, маҳаллий даражадаги кичик корхоналар ҳисобланган кафе, кир ювиш хоналари ва таъмирлаш устахоналари қиради.

Сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида кескин равишда ривожланишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири бўлиб, техник тараққиёт ҳисобланади. Унинг натижаси сифатида қўшимча ишчи кучи ва капитал оқимини таъминловчи сервиснинг янги йўналишлари вужудга кела бошлади.

Янги технологиялар истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи ташкилотларда бизнесни амалга ошириш усуллари кескин равишда ўзгартирди. Бунга мисол тариқасида компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларининг интеграллашувини келтириши мумкин. Интернетни қўшган ҳолдаги миллий (ҳатто халқаро) глобал хизмат кўрсатишнинг электрон тизимининг яратилиши молиявий компаниялар, банклар ва бошқа сервис ташкилотлари фаолиятлари тавсифи ва ҳажмларини қайта шакллантирди.

Ушбу ташкилотлар ихтиёрларида юқори интеллектуал компьютер тизимлари мавжуд бўлиб, улар талаб ва таклиф ўртасидаги ўзгариш қонуниятларини оператив таҳлил қилиш орқали қабул қилинаётган қарорлар хавф-хатарларини баҳолаш, миқдорлар тўлов қобилиятларини, амалга оширилаётган операциялар даромадлилигини аниқлаш имконини беради.

Техник тараққиёт хизмат кўрсатишнинг кўпчилик қолган турларига таъсир кўрсатади. Сервиснинг янги ёки такомиллаштирилган

тизимларининг яратилиши буюртмаларни қабул қилиш, тўловларни амалга ошириш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тизимини жорий этиш йўли билан истеъмолчиларни компания фаолиятига жалб қилиш каби операцияларни реинжиниринг қилишни амалга ошириш имкониятини беради. Бунга мисол тарикасида пулни қабул қилиш, кредитни ёпиш ва нақд пулларни бериш каби банк операцияларини автоматлаштиришни келтириш мумкин. Банк автоматларини жорий қилиш, ходимлардан фойдаланиш имкони бўлмаган жойларда сутка давомида мижозларга хизмат кўрсатиш имконини беради. Кредит карталаридан фойдаланиш тўлов воситаси сифатидаги қоғоз пулларни сиқиб чиқаради ва харидорларга тааъллуқли электрон терминал билан жиҳозланган савдо марказлари ва бошқа жойларда бевосита харид ва ҳисоб-китоб қилиш имкониятини беради.

Иқтисодий ва технологик тараққиёт базасида ривожлантириш қийинлашиб бораётган техник бажарилишдаги анъанавий товарларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ сервис хизматларининг ошишига объектив равишда имконият яратади.

Ҳақиқатдан, ҳар қандай жисмоний товар, хусусан, юқори технологик ва узоқ фойдаланишда бўлгани хизматларга бўлган талабни вужудга келтиради. Махсулотнинг тавсифига боғлиқ ҳолда хизматларга бўлган эҳтиёж ўз ичига қуйидагиларни олиши мумкин:

- ташиш ва тахлаш
- ўрнатиш ва монтаж
- ёқилғи қуйиш
- техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш
- тозалаш ва ташқи кўринишни тиклаш
- экологик талабларга мос утилизация қилиш.

Тарихга назар солсак, қайд қилинган хизматларнинг айримлари автомобиллар, завод асбоб-ускуналари, компьютерлар ишлаб чиқарувчилари ёки дистрибютерлари томонидан олинадиган қўшимча

даромад манбааси бўлган. Айрим ҳолатларда сотишдан кейинги бундай даромадларни йиллар давомида олиш имконияти бўлган. «Учинчи таъминотчилар» деб ном олган бундай фирмалар кўпинча тор бозор «нищаси» да ихтисослашганлар ва фирмалар – ишлаб чиқарувчилар ёдларидан кўтаришган ёки уларда қайд қилинган хизматларни кўрсатувчи мутахассисларнинг бўлмаслиги туфайли сезиларли даражада даромад олиб келишмоқдалар. Юқори технологик асбоб-ускуналарининг кўпчилик таъминотчилари ҳозирги кунда ўз ҳаракатларини катта мутасаддилик ва касбий маҳорат талаб қилувчи хизматларнинг қийин тўпламини яратишга ҳаракат қилишмоқдалар.

Бундай хизматлар нафақат кўшимча даромад келтириши мумкин, балки корхона ва ташкилотларни харидорларга яқинлаштиришга ёрдам беради ва харид қилинган асбоб-ускуналарнинг эксплуатация имкониятларини чуқур тушуниш асосида улар билан узоқ муддатли муносабатларнинг ўрнатилишига замин яратади. Тижорат сервис марказлари дунёга машҳур бўлган IBM, Hewlett – Packard ва General Motors компаниялари даромадларига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Республикаимиз дунё ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айланиб бораётганлигини инобатга оладиган бўлсак, айнан сервис ва хизмат соҳасини ривожлантириш орқали миллий иқтисодиётимизни юқори чўққиларга кўтариш учун замин яратилади.

1.2. Хизматлар соҳасини таҳлил қилишнинг методологик асослари

Мамлакатимиз ва чет эл олимлари хизматлар соҳасининг миллий хўжаликлар ва дунё иқтисодиётидаги ўсиб бораётган ролини таъкидлашмоқдалар. Хизматларнинг хўжалик фаолиятига таъсири нафақат кучаймоқда, балки кўп қиррали тавсифга эга бўлиб бормоқда, ишлаб чиқариш жараёнларида, аҳоли даромадларини шакллантиришда,

айрбошлашда, ижтимоий маҳсулотни шакллантиришда кўпроқ кўзга ташланмоқда. Бу хизматларни иқтисодий категория сифатида назарий таҳлил қилиш ва унинг моҳиятини аниқлашни бошлашга мажбур қилади.

Хизматнинг аниқ тарифи қандай бўлиши кераклиги тўғрисида турли фикрлар билдирилмоқда. Хозирча умумий қабул қилинган системалаштириш мавжуд эмас. Шунга қарамасдан, асосан иқтисодий фанда сервис фаолияти, хизмат кўрсатувчи тармоқлар ва хизматлар соҳаси тўғрисида умумий тасаввур шаклланди.

Кундалик ҳаётда «хизмат» тушунчаси кенг маънода ишлатилади : кимгадир пуллик ва пулсиз, сўз ёки иш билан шахсий ва ижтимоий ундаш орқали наф келтириш тушинилади. Ёрдам келтирувчи ҳаракатлар кўзда тутилади.

Шўролар даврида иқтисодий адабиётларда хизматлар муаммоси кам кўриларди, чунки хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида қиймат яратилмайди, фақат миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида истеъмол қилинади деб қаралган. Ўша даврда моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар ишлаб чиқариш ўртасида аниқ чегара қўйилган. Фақат моддий ишлаб чиқариш даромад яратади деб ҳисобланган.

Ўтиш даври иқтисодиётида хизматлар категорияси кескин жонланди. Илмий ишларда хизматларнинг иқтисодий табиати аниқлаштирилмоқда, бозор иқтисодиётига боғлиқ ҳолда барча хизмат кўрсатиш соҳасининг истиқболли йўналишлари аниқланмоқда.

Хозирги бозор иқтисодиёти шароитида ташкил қилинган хизматларни ишлаб чиқариш – бу хизматлар корхонаси эгаси учун қўшимча қийматни ишлаб чиқаришдир. У уни аванслаштирилган капиталга фойда шаклида олади. Бозор иқтисодиёти шароитида товар капитали ишлаб чиқариш соҳасидаги фойданинг ўртача нормасини шакллантиришда қатнашади. Савдо капитали ўзига товарни сотишни олади ва шу тариқа уни саноат капиталидан озод қилади. Бунинг учун саноат капитали унга қўшимча қийматнинг бир қисмини беради. Худди


шундай ҳолат қолган турдаги хизматларда ҳам кузатилади (ссуда капитали хизматлари ва бошқалар). Савдо ва ссуда капитали саноат капиталига карама қарши бўлмайди, балки у билан органик жиҳатдан боғлиқ бўлади, функционал жиҳатдан уни тўлдиради ва яратилган қиймат ва қўшимча қийматни тақсимлашда ва қайта тақсимлашда қатнашади.

Таснифлаштириш ҳар бир турдаги хизматнинг ўзига хос кирраларини тушиниш, ушбу индустрияни бошқариш хусусиятларини тушиниш имкониятларини беради. У хизматларни сегментлаштиришга оптимал ёндошишга ёрдам беради. У хизматлар соҳаси ишловчиларини авваллари бозорда тақдим этилмаган хизматларнинг янги турларини кидиришга ундайди ва уларнинг сифатини ошириш индикатори ҳисобланади.

Меҳнат тақсимооти тамойилларига мос равишда эҳтиёжларнинг ва функцияларнинг диверсификацияланиши хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият турларининг кўпайишига олиб келди. Уларни аниқлаш қийин иш бўлиб ҳисобланади : хизматлар жуда қийин турли қаторли категориядан иборат, унда барча нарсалар аралашдир ва бу товарни беришни кўзда тутмайди, долзарб бўлиб, хизматни кўрсатувчи ва харидори ўртасидаги алоқаларнинг иқтисодий тавсифи ҳисобланади.

Хизматларни таснифлаштириш уларни маълум класслар, гуруҳлар, категорияларга бўлишни англатади.

Маъмурий буйруқбозлик даврида хизматлар ноишлаб чиқариш фаолияти доирасидан чиқарилмаган. Ўша даврларда хизмат – бу алоҳида истеъмол қиймати, у ноишлаб чиқариш соҳасида яратилади ва у жамият, унинг алоҳида аъзоларининг эҳтиёжларини қондиради деб таъкидланган.




XX аср 80 чи йилларидаги хизматлар соҳаси таркибининг талқинлари (чизма 1).

Хизматларнинг умумий таркибида одатда маиший хизматлар ажралиб турган ва улар ўз навбатида иккига бўлинган. Уларнинг бир қисми икки томонлама тавсифга эга бўлган. Яъни бир томондан хизматлар тавсифида ва икинчи томондан моддий неъматлар ишлаб чиқаради. Масалан моддий неъматларни кийим, оёқ кийимини таъмирлаш ва тозалаш корхоналари яратишадилар, хусусан улар фаолияти маиший хизматларга кирса ҳам.

Хизматларнинг иккинчи гуруҳи хусусий хизматлар гуруҳига киритилган. Уларга ҳаммомлар, кир ювиш хоналари, фото суръат хоналари киради.

1987 йилдан мамлакат статистика органлари миллий счетларнинг халқаро тизимига ўтишни бошлади. Хизматларни таснифлаштириш ёндошишига ўзгартириш киритиш зарурияти вужудга келди. Асосийси шундан иборатки, эндиликда хизматлар соҳаси структураси бозор позициясида кўриладиган бўлди. Хизматлар уч турга чегараланди : бозорли, нобозор ва билвосита ўлчанадиган молиявий воситачилик хизматлари. (чизма 2).

Бозор тизимида хизматларни ишлаб чиқариш структураси.



чизма 2

Бозор хизматлари таркибига, бозорда иқтисодий аҳамиятли баҳолар бўйича сотиладиган хизматлар қўшилади. Улар жумласига транспорт ва савдо хизматлари, пуллик мадарият, соғлиқни сақлаш, маиший хизматлар, молия, кредит, суғурта, ахборот – ҳисоблаш каби хизмат кўрсатишлар киради.

Нобозор хизматлари таркибига умумат жамиятга ёки алоҳида уй хўжаликларига кўрсатиладиганлар киради. Улар бепуллиги ёки иқтисодий паст баҳолар билан фарқланади. Бундай хизматлар давлат бюджети, нобюджет фондлари ёки нотижорат ва ижтимоий ташкилотлар бюджетидан тўланади.

Молия воситачилик билвосита ўлчанадиган хизматлар одатда шартли равишда товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар ўртасида тақсимланади ва ўртадаги истеъмолга қўшилади.

Хизматларнинг қизиқарли талқинини Ловелок таклиф этди. Унинг таснифида асосий бўлиб, хизматлар кимга йўналтирилган ва уларни англаш (ҳис қилиш) мумкинлигидир.

Хизматларнинг ҳис қилиш даражаси бўйича чегараланиши

Хизматларнинг асосий класслари	Хизматлар соҳаси
1. Инсон таънасига йўналтирилган ҳис қилинадиган ҳаракатлар	Соғлиқни сақлаш, йўловчи транспорти, гўзаллик салонлари ва сарторошхоналар, спорт иншоотлари, ресторанлар ва кафелар
2. Товарлар ва бошқа физик объектларга йўналтирилган ҳис қиладиган ҳаракатлар	Юк транспорти, асбоб ускунани таъмирлар ва сақлаш, қўриқлаш, тозаликни ва тартибни сақлаш, кир ювиш хоналари, кимёвий тозалаш, ветеринария хизматлари
3. Инсон онгига йўналтирилган ҳис қилиб бўлмайдиган ҳаракатлар	Таълим, радио ва телевидение, ахборот хизматлари, театрлар, музейлар
4. Ҳис қилиб бўлмайдиган активлар билан ҳис қилиб бўлмайдиган ҳаракатлар	Банклар, юридик ва маслаҳат хизматлари, суғурталаш, қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар

Келтирилган таснифлаштириш номоддий ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Масалан хизматлар истеъмолчи билан алоқа даражаси, қонуний ва меъёрий актлар билан тартибга солиш даражаси, меҳнатталабчанлиги, истеъмолчилар сегментлари бўйича (ишчан, шахсий хизматлар ва ҳоказолар) таснифлаштирилади.

Нисбатан яқин муддат мобайнида фанда хизматлар соҳаси ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятида қатнашиши ёки қатнашмаслиги таъминоти кўра бўлиш кириб келди. Бундай бўлишнинг аҳамияти шундан иборатки, хизматлар соҳасининг структура яхлитлиги тўғрисида тасаввур шаклланади. У бозор хўжалик юритиш шароитларига мос келади.

Моддий тавсифдаги хизматлар бевосита ишлаб чиқариш структурасига қўшилади. Улар алоҳида ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратади. Одатда ишлаб чиқариш хизматларига таъмирлаш-хизмат кўрсатиш фаолияти, техник, транспорт – омбор,

мухандис – маслаҳат хизматлари киради. Техник хизматлар таркибида икки асосий гуруҳни ажратиш мумкин: биринчиси – маслаҳат хизматлари. Уларга буюртмачига техник ҳужжатлаштириш, тадқиқотлар натижалари, қурилиш учун дастлабки маълумотлар, сметалар ва бошқалар киради. Иккинчи гуруҳга инжиниринг типдаги хизматлар киради.

Хизматлар тармоқларини моддий ишлаб чиқаришга киритиш шартлари бўлиб, натижаларни олишда қатнашиш ёки ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналари фаолиятида қатнашиши ҳисобланади. Унда товар айрбошлаши асосидаги хизматларни сотиш амалга оширилади. Хизматлар тармоқларини бундай ажратишнинг бундай меъзони бўлиб, уларнинг яратилган товардаги ҳиссаси ҳисобланади.

Табиийки хизматларнинг товар маҳсулотини яратувчи хизматларнинг ушбу тармоқлари ЯММ ва МД ни яратишда бевосита иштирок этадилар. Аммо узоқ йиллар мобайнидаги ҳисоблаш методикаси ушбу ҳақиқатни акс эттирмаган. Товар хизматлари ва аҳолига пуллик хизматларнинг бир қисми ЯММ яратувчи моддий ишлаб чиқарувчи тармоқлар таркибида инобатга олинмаган. Даромаднинг тўлиқ ҳисоби олинмаган. Бу такрор ишлаб чиқариш жараёнини, яратилган неъматлар ҳажмини бузиб кўрсатган. Натижада хизматларнинг алоҳида тармоқлари ривожланишига имкон бермаган. Миллий ҳисоблар тизимида ўтиш ушбу камчиликни йўқотади, лекин ҳозирча тўлиқ эмас.

Номоддий ишлаб чиқариш ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга бевосита алоқадор хизмат тармоқларини бирлаштиради. Бу уларнинг биринчи тавсифли хусусияти; иккинчи хусусият – бу бепул, айрим ҳолатларда ўз таннарихидан анча паст нархлардаги улар маҳсулотларини сотишдир.

Номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари таркибига маърифат, таълим, маданият, санъат ва спорт, соғлиқни сақлаш ва бошқалар киради. Ушбу соҳадаги ишлаб чиқариш муносабатлари ижтимоий, истеъмол тавсифига эга бўлади.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳасидаги хизматлар тармоқлари юқори малакали ишчи кучини шакллантириш, ўқитишга мўлжални олишадилар. Чунки бозор хўжалик юритиш шароитида ишчи кучи товар хусусиятларига эга бўлади ва доимий равишда меҳнат бозорини тўлдиради. Ушбу хизматлар жамият аъзоси сифатида алоҳида шахснинг эҳтиёжини кондиради. Шу сабабли уларни алоҳида шахсларга (шахсий ва якка тартибдаги) ёки шахслар гуруҳларига (жамоа) ва умумижтимоийларга бўлиш мумкин.

Номоддий ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқлари ишчи кучини шакллантирига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Уларга таълим ва соғлиқни сақлаш киради.

Аввалгидек бепул хизматлар ёки паст нархлардаги ҳақ тўлаш амалиётини бозор муносабатлари шароитида устувор деб бўлмайди. Чунки давлат бюджетидан дотациялаштириш йўқолиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиш шароитида ва унинг дунё ҳамжамияти билан интеграллашувида хизматлар соҳасининг роли бениҳоя каттадир. Ривожланган давлатлар тажтибаси шундан далолат берадики, айнан хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали қисқа муддатда ижобий натижаларга эришиш мумкин. Лекин бу борада ўз ечимини кутиб турган муаммолар мавжуд.

Авваламбор хизматлар соҳасининг ҳақиқатга мос келмайдиган моддий ишлаб чиқариш ҳисобига ривожланадиган иккинчи даражали сектори деган назарий баҳо беришни енгиб ўтиш лозим. Хизматларни ва моддий маҳсулотни бўлиш кўпчилик ҳолатларда сунъий ва шартлига айланиб қолади, уларни бир бирига қарама қарши қўйиш илмий ва амалий жиҳатдан асосланмайди. Моддий маҳсулотнинг ҳар бир тури бир қатор хизматлар пакетида эга бўлади. Ушбу пакетларни ишлаб чиқариш моддий элеменлар ҳажми билан кўпайиб бормоқда.

Шу сабабли иқтисодиётимиздаги хизматлар соҳасига қарашли, телекоммуникация, кредит — молия, ишчан хизматлар, савдонинг кенгайтишини моддий соҳадан ресурсларнинг кетиб қолиши деган нохуш

тасаввурга бормаслик лозим. Бу хўжалик ва жамиятни ривожлантиришнинг янги эҳтиёжларини акс эттирувчи ижобий жараёндир. Бизнинг шароитимизда саноат ва бошқа тармоқларнинг кризис ҳолатидан чиқишнинг муҳим шартларидан биридир.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бизнинг иқтисодиётимиз учун муҳим бўлган қатор йўналишларни ажратиш лозим. Аввало давлат хизматлари соҳасида муҳим ўрин тутадиган кичик бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиши лозим. Кўпчилик хизматларнинг юқори меҳнатталабчанлиги ва ишни ташкил этиш учун бошланғич капитал миқдорининг камлиги ушбу соҳада тадбиркорликни ривожлантириш учун қулайлик яратади. Шу сабабли давлат хизматларини кенгайтиришни ҳар томонлама қўллаб қувватлаши лозим. Хусусан асосий эътибор кичик тадбиркорликнинг юқори технологияли турларига тарқатилиши лозим. Уларни ривожлантириш учун юқори салоҳиятли ишчи кучининг юқори таълим ва касбий даражасида ётади. Кичик бизнеснинг бундай турлари қисқа муддат ичида йирик халқ хўжалик самарасини беради.

Ижтимоий – маданий соҳада моддий тармоқлардаги қатори тўлиқ давлат тасарруфидан чиқариш хато ҳисобланади. Шу билан бирга уларни тўлиқ давлат ихтиёрида бўлиши ҳам нотўғридир. Юқори самарани давлат, хусусий ва бошқа турдаги ташкилотлар бериши мумкин.

Кейинги йўналишлардан бири бўлиб ижтимоий – маданий соҳада рақобат муҳитини ривожлантириш, бозор типигаги механизмларни жорий этиш, монополиялаштиришнинг рақобат тартибини жорий этиш ва бу асосда давлат дастурларини амалга оширишга хусусий ва нотижорат структураларини жалб қилиш ҳисобланади. Давлат бу борада ушбу соҳани ривожлантириш бўйича стратегия ишлаб чиқиши, хўжалик фаолиятининг норматив ҳуқуқий таъминотини амалга ошириши лозим.

Хозирги шароитда муаммо бўлиб, хизматлар соҳасида фан-техника тараққиётининг кескин ортида қолиши ҳисобланади. Кичик бизнес учун

замонавий техник воситаларнинг яратилиши фан- техника сиёсатида устувор бўлиши лозим.

1.3. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида даромадларни оширишнинг объектив зарурияти

Собиқ иттифоқ давридаги ва ҳозир ҳам хизмат соҳасига бағишланган иқтисодий адабиётларда уларнинг даромадларини моҳиятига юзаки таъриф бериб келинган ва шундай қарашлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Шу сабабли бизлар «даромад» категорияси моҳиятини қисқача бўлса ҳам иқтисодиёт назарияси нуқтаи назаридан ёритиб ўтмоқчимиз.

Иқтисодиётга оид адабиётларда хизмат соҳаси даромадига берилган таърифларни умумлаштириб қуйидагиларга бўлиш мумкин:

Хизмат ва сервис корхоналарининг ялпи даромади деганда барча фаолият турларидан олинган даромадларнинг мажмуаси тушунилади¹;

Даромадлар деганда иқтисодий манфаатларнинг ўсиши натижасида капиталнинг ортиб бориши тушунилади².

Ялпи даромад деганда, хизмат кўрсатиш корхоналарига хизмат жараёнидан ва бошқа фаолиятлардан тушадиган даромадлар суммаси назарда тутилади³;

Хизмат кўрсатиш корхонасининг ялпи даромади деганда хизматларини сотишдан тушган умумий тушум суммаси, яъни товар айланиш ва товарлар сотиб олиш қиймати ўртасидаги фарқ, ҳамда товарлар сотиш билан боғлиқ бўлмаган фаолиятлардан олинган даромадлар тушунилади⁴;

Хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотларининг ялпи даромади деганда харажатларини қоплаш ва фойдани шакллантиришга

¹ Урозов К.Б. «Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиқх тортмиш», Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ. дунёси» нашриёт уйи, 2004, 184-бетда.

² «Экономика предприятия (Фирмы)», Учебник, Коллектив авторов, -М.: ИНФРА-М, 2004, 211-е.

³ Сребник Б.В. «Экономика торговли», Учебник, —М.: «Высшая школа», 1989. 172-е.

⁴ «Экономика торговли», Учебник, Коллектив авторов. —М.: «Экономика», 1990. 192-е.

йуналтириладиган товарлар сотишдан ва бошқа ишлар ва хизматлардан тушган пул маблағлари суммаси тушунилади⁵;

хизматнинг ялпи даромади — бу товарларни ва хизматларни сотишдан тушган тушум ва товарлар билан таъминловчиларга товарлар қийматини тўлаш билан боғлиқ харажатлар фарқланади..

Бундай таърифлар сонини кўплаб келтириш мумкин.

Ушбу таърифлардан кўриниб турибдики «даромад» категориясига ҳисоб-китоб нуқтаи назаридан қараш мавжуд, унинг табиати ва моҳияти иқтисодий категория сифатида ёритилмаган.

Хизмат кўрсатиш корхоналари (шахрбчалари)нинг ҳамда бошқа ҳўжалик субъектлари ва алоҳида шахслар даромади улар фаолияти натижасида яратилган қиймат нуқтаи назаридан қаралиши назарий жихатдан тўғри бўлади. Хизмат соҳасида даромад улар фаолиятининг баҳоси яъни улар фаолиятида сарфланган ижтимоий зарурий меҳнатнинг (меҳнат воситалари за ишчи кучи харажатлари) қиймати ва қўшимча қийматнинг пулдаги ифодасини англатади. Назарий жихатдан у «с + v+ m» га тенг. Бу ерда «с + v» жонли ва жонсиз меҳнат сарфларини, яъни хизмат харажатларини англатса, «т» — уларнинг соф фойдасини микдорини англатади.

Хизмат соҳасининг ишлаб чиқаришдан фарқи, барча харажатлари даромад (уларнинг устамалари) ҳисобидан қиланади, яъни улар товарлар қиймати таркибида акс топади, ишлаб чиқаришда эса, харажатлар таннарх таркибига киради ва у махсулот (иш, хизмат)ни сотишдан олинган соф тушум ҳисобидан қопланади. Умуман ишлаб чиқаришда «даромад» категорияси ишлатилмайди, у ерда «даромад», «ялпи фойда» деб юритилади. Хизмат фаолияти қиймати (с + v + т), уларнинг даромадида ўз аксини топади. Ушбулар нуқтаи назаридан, бизларнинг фикримизча хизмат соҳасидаги «даромад»ни, улар фаолиятида яратилган қийматнинг

⁵ «Экономика торговли». Учебник, Коллектив авторов. —М.: «Экономика», 1980, 307-е.

пулдаги ифодаси сифатида, яъни улар фаолиятининг баҳоси сифатида каралиш иқтисодий назария нуқтаи назаридан ҳақиқатга яқин бўлади.

Шундай қилиб, хизмат соҳаси корхоналари (шаҳобчалари) нинг даромади — бу улар фаолияти натижасида яратилган қийматнинг пулдаги ифодасидир ва у хизмат соҳаси фаолиятининг баҳоси сифатида намоён бўлади.

Даромад товарлар баҳосининг бир элементи ҳисобланади.

Даромаднинг иқтисодий йўналтирилиш моҳияти бўйича барча харажатлар, солиқлар, тўловларни ва фойдани таъминлашдир.

Ушбу соҳада даромад улар томонидан сотиладиган товарларни сотиб олинган баҳоларига қўйиладиган устамалар миқдорида ўз аксини топади.

Хизмат соҳасида даромадларнинг асосий қисми тегишли товарларни сотишдан шаклланади. Бунда даромадни шакллантирувчи кўрсаткич сифатида хизмат корхоналарини, товарларни сотиб олиш баҳосига қўйиладиган устамалар ҳисобланади. Ушбу корхона (шаҳобча) лар товарлар соғиш билан боғлиқ бўлмаган, бажарган бошқа ишлар ва хизматлардан ҳам даромадлар олади.

Хизмат соҳаси корхоналари фаолиятларининг тижоратланиши натижасида улар даромадини шаклланиши моҳияти ва турлари тубдан ўзгариб кетди.

Бухгалтерия ва статистик ҳисоботларда хизмат соҳаси корхоналарининг даромадлари қуйидагича шаклланади.

«Махсулот (иш хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»да (5 феврал 1999 йил 54-сонли Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори) хўжалик субъектлари, жумладан, савдо корхоналари даромадларининг турлари ва аниқдаш усуллари келтирилган.

Назарий жихатдан савдо корхоналарини сотишдан олган даромади уларни муомала харажатларини қоплаш ва фойда олиш манбаи бўлиб, у

савдонинг истеъмол товарлари баҳосидаги хиссасининг миқдорини англатади. Бундан келиб чиқиб, савдонинг сотишдан олган даромади савдо хизматларини сотишдан тушган тушум, яъни савдо хизматлари қийматининг пулдаги ифодасидир. Ушбу таъриф сотишдан олган даромаднинг моҳиятини очиқ беради.

Савдони товарларни ишлаб чиқаришдан то истеъмолчиларга етказиш, у билан боғлиқ бўлган савдо хизматларини тўлаш товарларни чакана баҳоси ҳисобидан амалга оширилади ва у савдо хизматининг қиймати бўлиб, ҳисобланади.

Савдо харажатларини тўлаш манбаи бўлиб, савдо устамалари хизмат қилади. У товарлар чакана баҳоси билан товарларни сотиб олиш (улгуржи савдодан, ишлаб чиқаришдан ёки бошқа воситачилардан) баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Хизмат соҳаси корхоналарининг даромадлари юқорида келтирилган Низом бўйича қуйидагилардан таркиб топади:

Сотишдан олинган даромад. Хизматнинг «Товарларни сотишдан олган ялпи даромади» сотишдан олинadиган соф тушумдан сотилган товарларни харид қийматини чегириб ташлаш орқали аниқланади. Сотишдан олинadиган соф тушум товар айланиши суммасидан товарларни сотиб олиш қийматиға киритилadиган, (ишлаб чиқариш корхоналарини сотиш (улгуржи) баҳоларидан ташқари) сотиб олиш билан боғлиқ; қўшимча харажатларни (божхона тўловлари — акциз солиғи, КК.С, божхона божи ва йигимлари; воситачилик ёки брокерлик харажатлари ва бошқаларни) чегириб ташлаш орқали аниқланади.

Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар. Улар қаторига молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва фавкулотдаги даромадлар киради.

Савдода товарларни сотишдан олинган даромадига кенгрок. тўхталиб ўтамиз. Чакана савдо корхона (шаҳобча)лари товарлари эркин

чакана баҳоларда сотади. Лекин бозорда баҳо сиёсатига истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчилар ёки чет эл таъминотчилари хийла даражада таъсир қилади. Яъни уни шаклланишига асос солади, бу ҳолатга савдонинг таъсири катта эмас. Шу са-бабли савдо корхоналари товар ишлаб чиқарувчиларининг баҳо сиёсати ҳисобга олмай иложи йўқ.

Шу билан бир қаторда чакана савдо корхоналари, бошқа савдо билан шугулланувчи юридик шахслар, яқка тартибда савдо қилувчилар талаб ва так-лифга нисбатан шаклланган ҳудудий бозор конъюнктурасидан товар ва хизматларни миқдори ва сифатидан, ишлаб чиқарувчи ва бошқа товар таъминотчиларининг улгуржи баҳоларидан келиб чиқиб, ўз савдо устамасини ва товарларининг чакана баҳосини белгилайди.

Ушбу ҳолатдан кўриниб турибдики, чакана баҳоларнинг асосий қисми ишлаб чиқарувчилар ва бошқа товар таъминотчиларининг улгуржи ёки товарларни со-тиш баҳосидан иборат эканлиги.

Савдо устамасини белгилашда, улар муомала харажатлари миқдори товарларни сотиб олиш баҳосига киритиладиган айрим қўшимча харажатлар (божхона тўловлари ва йигимлари ККС акциз солиғи, божхона божи, божхона йигими, ташиб келтириш, брокерлик, воситачилик, сертификациялаш ва бошқа харажатлар) ни ва режалаштирилган товарларни сотишдан олинган фойдани ҳисобга олади. Айрим ҳолларда давлат ёки маҳаллий ҳокимият томонидан савдо устамалари чегараларини ўрнатиш, рентабеллик чегарасини белгилаш ва бошқа чоралар орқали тартибга солиниши мумкин.

Савдо корхона (шаҳобча)лари фаолияти учун, уларни молиявий барқарорлигини таъминлашда, самарадорлигини оширишда савдо устамаларининг аҳамияти жуда катта. У савдо хизмати баҳосини тавсифлайди ва уларни товарлар сотишдан оладиган даромади миқдорини белгилайди.

Товарларни сотишдан олинадиган даромадни режалаштириш савдо устамаларини асослаш орқали амалга оширилади.

Даромадларнинг хажмига, унинг турларига мое равишда бир неча омиллар таъсир қилади.

Товарларни сотишдан олинган даромадларга қуйидаги омиллар таъсир қилади:

товар айланишининг хажми, таркиби ва ассортименти;

товарларни келтириш шартлари;

товарларни силжитиш. Бу жараёнда товарлар физик (реал) микдорда ишлаб чиқаришдан чакана савдога етказилади. Товарларни силжитиш бир неча боскичлардан иборат бўлади (улгуржи савдо базалари, омборлари; ҳар хил воситачилар). Ушбу бугинлар қанча кўп бўлса, савдо устамаси уларнинг ўртасида тақсимланади ва чакана савдонинг хиссасини камайишига олиб келиши мумкин. Уларнинг сони товар ассортиментларининг мураккаблигига, товарларни ишлаб чиқаришдан чакана савдога етказиш шарт-шароитларига ва бошқаларга боғлиқ.

савдо устамасининг даражаси (сотиб олиш баҳосига нисбатан, %);

товарларни сотишда аҳолига кўрсатиладиган қўшимча хизматларнинг сони, сифати ва уларнинг тарифлари.

Товар айланишининг ортиши даромадларни ортишига олиб келади, чунки қанча товар кўп сотилса, шунча савдо устамасининг суммаси юқори бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бозор муносабатларига ўтиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасига қарашли корхона ва ташкилотларда даромадларни ошириш масалаларига катта эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки айнан даромадлар ҳажмидан бевосита корхонанинг эртанги кунда жон сақлаши, бозорда эгаллаган ўрни ва мавқеи, келгусидаги ривожланиш истиқболлари ва шунга ўхшаш ўта муҳим масалалар бевосита боғлиқ бўлади.

II-БОБ Навоий вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари ва корхоналарида хўжалик фаолиятининг таҳлили

2.1 Навоий вилоятининг иқтисодий-ижтимоий тавсифи

2014 йилнинг 17 январ куни Муҳтарам Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил якунларига бағишланган йиғилишида “2014 йил юкори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” номли маърузаларидан келиб чиқиб, вилоятда 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари белгилаб олинди.

Ушбу белгиланган вазифалар доирасида ҳисобот даврида ҳудуддаги халқ хўжалигининг барча жабҳаларида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, саноат соҳасини ривожлантириш, йирик саноат корхоналарини модернизация қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, қабул қилинган мақсадли дастурлар ижросини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2014 йил 9 ойи якуни билан Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ) ҳажми 5429,4 млрд. сўмни ёки ўсиш суръати 2013 йилнинг мос даврига нисбатан 104,5 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, аҳоли жон бошига ЯХМ 5996,1 минг сўмдан тўғри келиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,1 фоизга ўсишига эришилди.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам ўсиш суръатлари кузатилиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 4,9 фоиз, халқ истеъмоли моллари 19,3 фоиз, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти 6,2 фоиз, қурилиш ишлари 1,1 фоиз, чакана савдо айланмаси 15,3 фоиз, умумий кўрсатилган хизматлар 15,5 фоиз шу жумладан, пуллик хизматлар 14,4 фоизни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида саноат маҳсулотларининг улуши 46,5 фоиз, қурилиш ишлари 5,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги 13,7 фоиз, транспорт ва алоқа соҳаси 12,5 фоиз ҳамда савдо ва умумий овқатланиш 6,1 фоизга тўғри келди.

Шу билан биргаликда, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 28,5 фоизга ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 36,6 фоизга тенг бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2069 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, вилоят ҳокимининг 2013 йил 26 ноябрда Қ-155-сонли қарори қабул қилинди.

Хусусан, давлат Инвестиция дастури доирасида жами 69 та (*32 та ичимлик сув, 5 та сел, 32 та ижтимоий соҳа*) объектларда 41,5 млрд. сўмлик қурилиш ишларини олиб бориш кўзда тутилган.

Барча объектларда танлов савдолари ўтказилиб, манзилли дастур тасдиқланган, молиялаштириш очилган ва қурилиш ишлари якунига етказилмоқда.

Бугунги кунда объектларда жами 40,9 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилди.

Марказлашган манбалардан молиялаштириладиган 69 та объектдан 64 тасида қурилиш ишлари тугатилиб, далолатномалари расмийлаштирилди.

Бундан ташқари, давлат Инвестиция дастури асосида вилоятда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш юзасидан жами 42 та лойиҳа бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳисобот даврида, мазкур инвестиция лойиҳалари доирасида жами 433,2 млрд. сўм миқдорида капитал сармоялар ўзлаштирилиб, НКМК ДҚда 27 та, “Навоийазот” ОАЖда 4 та, “Қизилқумцемент” ОАЖда 3 та, “Навоий”

ЭИИЗда 5 та, “Навоий ИЭС” ОАЖ ва “Континент Н ёғ-мой” АЖда 1 тадан лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом эттирилди.

Шунингдек, модернизация ва реконструкция йўналишида Давлат геология қўмитаси буюртмачилиги асосида вилоятнинг Жузқудуқ, Томдиқудуқ ва Туланташ ҳудудларидан истиқболли қумтош (тупроқли) турдаги уран конларини топиш учун геологик тадқиқотлар ўтказиш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 ноябрдаги “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил Дастури тўғрисида”ги ПҚ-2068 сонли қарори асосида 8 та тумандаги 17 та массивда янги лойиҳалар бўйича умумий қиймати 107,7 млрд. сўмга тенг бўлган 677 та уй-жойлар қурилиши режалаштирилган.

Жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига пудрат ташкилотлари томонидан 1065,0 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, уй-жойларнинг фойдаланишга топшириш далолатномалари расмийлаштирилмоқда.

Шунингдек, мазкур уй-жой массивларида 23,7 км табиий газ, 22,8 км ичимлик суви ва 15,6 км электр энергияси тармоқлари тортилди.

Вилоятда саноат соҳасини ривожлантириш ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини замонавий технологиялар билан қайта жиҳозлаш ва маҳсулот турларини кўпайтириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Биргина ушбу соҳада, мустақилликнинг дастлабки йилларида 110 тадан ортиқ саноат корхонаси фаолият юритган бўлса, жорий йилнинг 9 ойи якуни билан уларнинг сони 1462 тани ташкил этди.

Шунингдек, вилоятда мустақилликнинг дастлабки йилларида 46 турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, саноат тармоғини ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг самараси натижасида бугунги

кунга келиб ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари 300 дан ортди. Ушбу маҳсулотларнинг 130 дан ортиғини тайёр маҳсулотларни ташкил этади.

Ҳисобот даврида, вилоятдаги саноат корхоналари томонидан жами 5561,6 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,9 фоизни ҳамда республика саноатининг 10,2 фоизини ташкил этди.

Бундан ташқари, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини янада ошириш ҳамда доимий янги иш ўринларини яратиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 24 октябрдаги 304-сонли йиғилиш баёнига асосан, “2014-2016 йилларда Навоий вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури” ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Мазкур Дастур доирасида, жорий йил давомида қиймати 182,2 млрд. сўмлик маблағлар ўзлаштирилиши ҳисобига 231 та саноат корхонасида 6,1 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Шу билан биргаликда, жойларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини янада ошириш мақсадида қўшимча манзилли дастур ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилган.

Ушбу дастур доирасида, 163 та лойиҳани амалга ошириш учун 53,5 млрд. сўм маблағлар ўзлаштирилиши ҳамда 1063 та янги иш ўринлари барпо этилиши режалаштирилган. Ҳисобот даврида, 51 та лойиҳалар фойдаланишга топширилиб, 414 та янги иш ўринлари яратилди.

Ушбу мақсадлар учун, тижорат банклари томонидан 120 та корхонага 38,2 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

Ўтган давр мобайнида, амалга оширилган ишлар натижасида саноатнинг енгил саноат йўналишида ҳам қатор ютуқларга эришилди.

Хусусан, 2009 йилда вилоятда етиштирилаётган пахта толасининг 15 фоизини қайта ишлаш қувватига эга бўлган Навоий шаҳридаги “Бахт текстил” ҚК корхонаси фаолият юритган бўлса, 2013 йилга келиб, Навбахор туманида “Навоий текстил групп” МЧЖ корхонаси йўлга қўйилди.

Шунингдек, Навоий шаҳрида “Навбахор текстил” чет эл корхонаси томонидан йилига 5,4 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қуввати фойдаланишга топширилган бўлса, “Бахт текстил” ҚҚда модернизация ишлари амалга оширилиши ҳисобига корхонанинг қуввати 7,5 минг тоннадан жорий йилда 9 минг тоннага, 2015 йилда 11 тоннага етказилади. Энг муҳими, янги лойиҳалар ҳисобига қўшимча 250 та доимий иш ўрни яратилди.

Шу билан биргаликда, вилоятда пахта толасини қайта ишлаш даражаси 2013 йилда 12,9 минг тн (38%) ташкил қилган бўлса, жорий йилда 19,8 минг тн (58%) ва 2015 йилда эса 22,8 минг тн (66,5%)га етказилади.

Бундан ташқари, вилоятда енгил саноат соҳасида ярим тайёр маҳсулотлардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш йўналишида бир қанча таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, Навоий шаҳрида “Ишонч гилам”, “Навоий Карпет” корхоналари ҳамда Кармана туманида “Кармана Карпет” хусусий корхонасида ип-калавадан тайёр гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Вилоятда ип газлама маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида 11 та корхона мавжуд бўлиб, уларнинг йиллик қуввати 2269 минг кв. м.ни ташкил этади ва бунинг ҳисобига аҳолининг ип газламаларга бўлган талаби 26 фоизга қондирилмоқда.

Шунингдек, аҳолининг тайёр трикотаж маҳсулотларига бўлган талаби жорий йил якуни билан 34 фоиз ҳамда тайёр тикув маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 3,4 баробарга етказилади.

Бундан ташқари, вилоятда пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида ўтган 2013 йилда йиллик қуввати 508 минг жуфт бўлган 3 та корхона фаолият юритиб, аҳоли эҳтиёжи 12 фоизга қондирилган бўлса, жорий йилда 13 та янги лойиҳаларда 1,2 млн. жуфт қўшимча қувват яратилиши ҳисобига аҳоли талабининг қондирилиши 37 фоизга таъминланади.

Вилоятда мақсадли дастурлар амалга оширилиши эвазига янги турдаги трикотаж мато, тикув-трикотаж, ип-газлама, шприц, иситиш батареялари, металпрофнастил, гипсакартон, металл черепица, керамик плитка, лак-бўёк маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 февралдаги “2014-2016 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2120 сонли қарорига асосан вилоятда 12 та корхонада жами 27 та лойиҳалар бўйича тайёр маҳсулот, материаллар, бутловчи қисм ва деталлар ишлаб чиқариш белгиланган.

Жорий йилнинг январ-сентябр ойларида вилоят бўйича маҳаллийлаштириш дастури асосида жами 27,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа 125,3 фоизга бажарилган.

Шунингдек, 25,1 млрд. сўмлик маҳсулотлар ички бозорга сотилган ва 215,7 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган. Жами лойиҳалар бўйича 11,8 млн. АҚШ доллари миқдорида чет эл валютаси иқтисод қилинди ҳамда 206,2 млн. сўм миқдорида солиқ тўловларидан ва 363,2 млн. сўм божхона тўловларидан имтиёзлар тақдим этилган.

Жумладан, ҳудудий тасарруфдаги корхоналардан “Махмуд бобо Собиров” МЧЖда эмал краска ва “Омад бизнес Зарафшон” МЧЖда оловга чидамли ғиштлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан ҳисобот даврида маҳаллийлаштириш дастури асосида 477,0 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Шундан, 419,6 млн. сўмлик маҳсулотлар ички бозорга сотилган ва 213,3 минг АҚШ доллари миқдорида чет эл валютаси иқтисод қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 февралдаги “2013 йилда Ҳалқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 53-сонли қарорига мувофиқ, 2013 йил 29 октябр—4

ноябр кунлари Тошкент шаҳридаги “Ўзэкспомарказ” ОАЖ миллий кўргазма майдонларида бўлиб ўтган VII Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида ички бозордан маҳсулотлар харид қилиш бўйича 11,7 млрд. сўмлик 33 та шартномалар имзоланиб, белгиланган режага (*режа 11,2 млрд. сўм*) нисбатан 104,2 фоиз ёки 468,1 млн. сўм ортиғи билан таъминланди.

Кооперация биржаси доирасида имзоланган шартномаларнинг бажарилиши юзасидан ойма-ой графиклари ишлаб чиқилиб тасдиқланган.

Ҳисобот даврида ушбу тузилган шартномалар бўйича белгиланган графикга асосан 8692,6 млн. сўмлик маҳсулотлар ички бозордан харид қилиниши режалаштирилган бўлиб, амалда 8714,8 млн. сўмлик маҳсулотлар харид қилинди ёки режа 100,3 фоизга бажарилган.

Шунингдек, саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида ташқи бозорга маҳсулотлар чиқариш бўйича 28,8 млн. долларлик 6 та шартномалар имзоланган.

2014 йилнинг январ-сентябр ойлари давомида ушбу тузилган шартномалар бўйича белгиланган графикга асосан 20496,0 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилиниши режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 20516,1 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинган ёки режа 100,1 фоизга бажарилган.

Жадвал 1 да Навоий вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳолати тўғрисида кўйидаги маълумотлар келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2013-2014 йиллар мобайнида вилоятнинг асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларини акс этирадиган реал сектор таркибига кирувчи саноат маҳсулотлари ҳажми 2014-йилда 2013йилга нисбатан 102,8% га, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 105,1 % га кўрилиш –пудрат ишлари ҳажми 108,4 % га савдо айланмаси 115,3% га ва аҳолги кўрсатиладиган пулик хизматлар ҳажми 114,9% га ошганлигига гувоҳ бўламиз.

Жадвал 1

2014 йил январ-декабрда Навоий вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

	Саноат маҳсулоти		Истеъмол товарлари		Асосий капиталга киритилган инвестициялар		Курилиш ишлари	
	млрд.сўм	2013 й. январ- декабрга нисбатан фоизда	млрд.сўм	2013 й. январ- декабрга нисбатан фоизда	млрд.сўм	2013 й. январ-декабрга нисбатан фоизда	млрд.сўм	2013 й. январ-декабрга нисбатан фоизда
Жами	7521,0	102,8	875,2	105,1	1544,4	87,2	851,7	108,4
шаҳарлар:								
Навоий	6109,4	101,6	432,7	103,1	301,6	139,2	181,9	114,2
Зарафшон	52,4	113,0	45,8	108,5	347,3	104,9	143,5	110,0
туманлар:								
Кармана	226,5	117,2	91,9	92,7	210,8	73,8	134,7	103,0
Конимех	23,9	112,7	22,5	108,6	40,5	58,2	13,1	82,2
Қизилтепа	203,5	113,4	97,0	110,3	84,1	104,8	123,0	114,3
Навбахор	109,7	113,2	44,2	127,2	86,1	116,3	79,2	107,8
Нурота	32,7	113,2	23,8	108,1	38,3	99,1	55,7	111,4
Томди	11,4	112,9	9,7	105,2	34,9	88,6	3,2	106,2
Учкудук	24,6	110,8	18,8	104,0	101,7	118,3	20,0	108,6
Хатирчи	143,3	115,0	88,8	112,5	118,0	112,6	97,4	100,3
Бўлинмайдиган ҳажмлар	583,6	100,0	-	-	181,1	40,9	-	-

	Савдо айланмаси		Пуллик хизматлар	
	млрд.сўм	2013 й. январ-декабрга нисбатан фоизда	млрд.сўм	2013 й. январ-декабрга нисбатан фоизда
Жами	2467,2	115,3	718,6	114,9
шаҳарлар:				
Навоий	902,0	116,0	297,6	115,3
Зарафшон	255,7	115,0	57,2	115,2
туманлар:				
Кармана	353,5	115,1	85,7	115,9
Конимех	106,2	114,1	22,2	113,8
Қизилтепа	244,9	115,0	63,3	115,5
Навбахор	57,8	115,3	43,2	114,6
Нурота	95,0	111,9	38,5	114,5
Томди	30,8	113,3	17,6	112,8
Учкудук	110,6	114,8	30,6	114,3
Хатирчи	310,7	115,6	62,7	112,6

Юқорида қайт қилинган ижобий ҳолатлар билан бир қаторда шуни таъкидлаш лозимки, ушбу давр мобайнида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми пасайиш тавсифига эга бўлган. Яъни ушбу кўрсаткич ҳажмининг ўсиш суръати 87,2% даражасида бўлган. Албатта мавжуд ҳолатнинг вужудга келишини биз ижобий деб баҳолай олмаймиз.

Вилоятнинг туманлар кесимда қарайдиган бўлсак, саноат маҳсулотларни ишлаб чиқариш барча туманларда ўтган йилга нисбатан ўсиш тавсифига эга бўлган. Истъемол молларини ишлаб чиқариш Кармана туманидан ташқари барча туманларда ўсиш суратлари кўзга ташланмоқда қурилиш ишлари ҳажмида Конимех туманидан (82,2%) ташқари барча туманларда ўсиш суръатлари таъминланган.

Аҳолига савдо ва пуллик хизматларни кўрсатиш ҳажмларида барча туманларда ижобий натижаларга эришилган.

Жадвал 2-да Навоий вилоятидаги иқтисодий ислоҳатларни ўзида акс эттирувчи асосий кўрсаткичларга оид қўйидаги маълумотлар келтирилган.

**Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ислохотлар суръатини
2014 йил январь-декабрь якунлари бўйича асосий кўрсаткичлари**

	Саноат				
	Жами, млрд. сўм	2013 й. январ-декабрга нисбатан фоизда	Истеъмол товарлари		Нодавлат секторнинг саноат маҳсулотидаги улуши, фоизда
			Жами, млрд. сўм	2013 й. январ-декабрга нисбатан фоизда	
Жами	7521,0	102,8	875,2	105,1	42,3
шаҳарлар:					
Навоий	6109,4	101,6	432,7	103,1	29,0
Зарафшон	52,4	113,0	45,8	108,5	100,0
туманлар:					
Кармана	226,5	117,2	91,9	92,7	100,0
Конимех	23,9	112,7	22,5	108,6	100,0
Қизилтепа	203,5	113,4	97,0	110,3	100,0
Навбахор	109,7	113,2	44,2	127,2	100,0
Нурота	32,7	113,2	23,8	108,1	100,0
Томди	11,4	112,9	9,7	105,2	100,0
Учкудук	24,6	110,8	18,8	104,0	100,0
Хатирчи	143,3	115,0	88,8	112,5	100,0
Бўлинмайдиган ҳажмлар	583,6	100,0	-	-	100,0

Жадвал маълумотларидан хулоса қилиш мумкинки, 2013-2014 йиллар мобайнида Навоий вилоятида саноат маҳсулотлари ва истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажмларида ижобий томонга ўзгаришлар содир бўлаган. Уларнинг ҳажми тегишли равишда 102,8 ва 105,1 % га ўсган.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги нодавлат секторининг улуши вилоят бўйича 42,3%ни ташкил этган бўлиб, бунга асосий сабаб, Навоий шаҳридаги ушбу кўрсаткичнинг улуши 29,0% бўлганлигидир.

Вилоятнинг қолган барча туманларида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги нодавлат секторининг улуши 100,0% ни ташкил этди. Ҳолатнинг бундай тарзда ўзгариши иқтисодиётимиздаги ҳозирги ривожланиш босқичи талаблари даражасига жавоб беради деган фикрни айтсак, муболага бўлмайди.

Жадвал 3 да Навоий вилоятига оид қуйдаги маълумотлар келтирилган

Жадвал 3

**Фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик (бизнес)субъеклари сони (дехкон ва фермер хужаликларсиз)
(бирлик)**

	Такмоқлар	Жами			Шу жумладан					
					Кичик корхоналар			Микрофирмалар		
		2013	2014	Фарк()	2013	2014	Фарки(+/-)	2013	2014	Фарки (+/-)
	Жами шу жумладан тармоқлар	6219	6309	90	674	663	-11	5545	5646	101
	Саноат	1275	1327	52	77	66	-11	1198	1261	63
	Курилиш	776	787	11	74	81	7	702	706	4
	Кишлоқ хужалиги	671	696	25	30	29	-1	641	667	26
	Траспорт ва алоқа	246	263	17	34	44	10	212	219	7
	Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	641	629	-12	11	10	-1	630	619	-11
	Савдо ва оватланиш	2090	2096	6	253	256	3	1837	1840	3
	Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш тури	70	54	-16	3		1	67	50	-17
	Согликни сақлаш, жисмоний тарбия ижтимоий таъминот	265	271	6	124	111	-13	141	160	19
	Таълим маданият фан ва илмий хизмат курсатиш	113	124	11	47	46	-1	66	78	12
	Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	72	62	-10	21	16	-5	51	46	-5

Жадвал маълумотларидан кориниб турибдики, Навоий вилоятида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари сони 2013-2014 йиллар мобайнида кўпайиш тавсифига эга бўлган. Жумладан, 2013-йилда уларнинг сони 6219 тани ташкил этган бўлса, 2014-йилга келиб 6309 тага етди. Шунга қарамадан ушбу давр мобайнида вилоятдаги кичик корхонлар сони камайиш тавсифига эга бўлаган. Яъни уларнинг сонни 2013-йилда 674 та, 2014-йилда 663 та ёки 11 тага камайган. Аммо мавжуд микрофирмалар сонидан ўсиш кузатилмоқда. Яъни улар сонни 2013-йилда 5545 тани ташкил этган бўлса, 2014-йилда 5646 тага етти.

Тармоқлар кесмида ушбу субъект корхонлари сонига назар ташлайдиган бўлсак, саноат тармоғига қарашли корхоналар, қурилиш тармоғи корхоналари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, транспорт ва алоқа тармоғи корхонлари, савдо ва овқатланиш корхоналари, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот корхоналари, таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш тармоғи корхонлари сонидан кўпайиш кузатилган бўлса, бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари билан шугулланувчи корхоналар, бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларига қарашли корхоналар соннинг камайиш тенденциялари кўзга ташланмоқда.

Худуди шундай ҳолат фаолият юритаётган кичик бизнес ва микрофирмалар сонидан ҳам кўзга ташланмоқда.

Фикримизча мавжуд ҳолатнинг вужудга келиши ривожланишнинг ҳозирги босқичида республикада иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар дастурлари талабларига жавоб беради.

Жадвал 4-да Навоий вилоятида 2015 йилнинг 1-январ ҳолатига иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улушлари тўғрисида қуйидаги маълумотлар ўз аксини топган.

Жадвал 4

Навоий вилоятида иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг улуши

(2015-йил 1 январ ҳолати фоиз ҳисобига)

	Саноат маҳсулоти	Асосий капиталга киритилган инвестиция- лар	Қурилиш ишлари	Чакана савдо айланмаси	Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	Юк ташиш	Юк айланмаси	Йўловчи ташиш	Йўловчи айланмаси
Жами	10,2	29,0	73,1	49,2	44,5	6,9	49,1	80,6	58,3
шаҳарлар:									
Навоий	3,0	22,8	75,7	37,6	29,2	1,5	14,4	63,2	48,9
Зарафшон	89,2	2,2	11,1	63,7	68,2	92,2	98,5	88,9	55,0
туманлар:									
Кармана	97,3	50,5	80,8	59,5	49,1	96,5	98,7	78,0	31,0
Конимех	100,0	28,6	96,7	39,5	65,6	87,7	95,0	100,0	100,0
Қизилтепа	39,0	69,3	80,9	55,2	46,2	81,1	98,0	99,8	99,9
Навбахор	40,2	76,0	98,4	78,0	51,8	99,0	99,6	75,0	63,3
Нурота	99,6	70,8	97,3	43,5	51,7	96,7	99,1	100,0	100,0
Томди	88,8	12,6	69,0	51,5	83,5	81,4	94,0	100,0	100,0
Учкудук	99,8	11,5	83,6	59,1	77,1	90,4	95,3	95,5	99,0
Хатирчи	63,6	73,6	99,0	50,4	43,9	99,6	99,8	100,0	100,0

Жадвал маълумотларидан шундай хулосага келиш мумкинки, Навоий вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича улушлари турли даражаларни ташкил этган. Жумладан ушбу кўрсаткич даражаси саноат маҳсулоти ҳажмида 10,2%ни, асосий капиталга киритилган инвестицияларда 29,0% ,қўрилиш ишларида 73,1%, чакана савдо айланмасида 49,2% ни , аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда 44,5%ни, юк ташишда 6,9%ни, юк айланмасида 49,1%ни, йўловчи ташишда 80,6%ни ва йўловчи айланмасида 58,3%ни ташкил этганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Вилоятнинг туманлари кесимида таҳлил қиладиган бўлсак унда кизиқарли ҳолатларга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан , вилоят бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисаси 10,2% ни ташкил этган бўлса, Хатирчи туманида 63,6% Томди туманида 83,8,% Зарафшон шаҳрида 89,2% Кармана туманида 97,3%ни Нурота туманида 99,6% ,Учкудук туманида 99,8% ва, Конимех туманида 100,0%ни ташкил этган. Қолган тармоқ корхонларининг улуши даражаларида ҳам туманлар кесимида турли томонга ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

Фикримизча вужудга келган мавжуд ҳолатни бир томонлама баҳолаш қийин масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки ҳар бир туманинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари мавжуд бўлиб, улардан турлича фойдаланиш мумкин бўлади.

2.2. Навоий вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси ҳолатининг таҳлили ва тадқиқотлари.

Мустақиллик йилларида вилоятда иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан ҳисобланган аҳолига савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида муайян ишлар амалга оширилди.

Натижада, аҳолига кўрсатилаётган хизмат ҳажмлари йил сайин ортиб бормоқда.

Вилоятда 2014 йил якуни билан чакана савдо айланмаси ҳажми 2467,2 млрд. сўми (аҳоли жон бошига 2719,3 минг сўм) ташкил этиб, 2013 йилга нисбатан 115,3 фоизни, пуллик хизматлар ҳажми эса 718,6 млрд. сўм (аҳоли жон бошига эса 792,1 минг сўм) ёки 114,9 фоизни ташкил этди.

Чакана савдо айланмаси ҳажми Навоий шаҳрида (ўсиш суръати 116,0%) ва Хатирчи (115,6%) туманида вилоят кўрсаткичидан юқори бўлган.

Ҳисобот даврида вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 27,8 фоизни ташкил этди.

Жумладан, хизматлар жами 116,6 фоизга (прогноз 116,6%), алоқа хизмати 130,7 фоизга (133,4%), компьютерлаштириш хизмати 128,7 фоизга (128,0%), транспорт хизматлари 121,7 фоизга (118,8%), молия ва банк хизматлари 132,0 фоизга (129,8 %), қурилиш хизмати 118,4 фоизга (120,3%), ускуналарни таъмирлаш хизматлар 107,5 фоизга (104,8%), қишлоқ хўжалик техникаларни таъмирлаш хизмати 113,1 фоизга (109,8%), туризм меҳмонхона хизмати 113,2 фоизга (112,0%), савдо ва умумовқатланиш хизмати 123,9 фоизга (123,7%), маиший хизмати 118,0 фоизга (120,8%), таълим хизмати 103,3 фоизга (100,0%), соғлиқни сақлаш хизмати 103,9 фоизга (112,5%), қишлоқ хўжалиги хизмати 108,8 фоизга (110,6%) ва бошқа хизматлар 107,1 фоизга (108,2%) бажарилди.

Ажратилган кредитлар ва тадбиркорларнинг ўз маблағлари ҳисобига вилоятда жами 651 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил этилди.

Жумладан, 295 та савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, 8 та компьютер дастурлаштириш хизмати, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 47 та, маиший хизматлари 184 та, молия хизматлари 21 та, соғлиқни сақлаш хизматлари 16 та, таълим хизматлари 3 та, технологик жиҳозларини таъмирлаш ва техника хизматини кўрсатиш хизматлари 23 та, транспорт хизматлари 18 та ва бошқа 36 та турдаги хизматлар кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, 1472 та (101,2%) иш ўринлари яратилди.

2014 йилда вилоят бўйича аҳолига кўрсатилган пуллик хизмат ҳажми 718637,2 млн. сўмни ташкил этиб, 2013 йилга нисбатан 114,9 фоизга ўсди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган пуллик хизматлар 792100,0 сўмдан тўғри келиб, мазкур кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 128,6 фоизга ошди.

Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми эса 62475,4 млн. сўмни, аҳоли жон бошига 68900,0 сўмни ташкил этди.

Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми мазкур кўрсаткичлари 2013 йилга нисбатан мос равишда 113,3 фоизга ортди.

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги 517-сонли «Вазирлар Маҳкамасининг умулқисодиёт комплекси иши самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариб, молиявий ҳолатни барқарорлаштириш, тўлов интизомини ҳамда пул-кредит сиёсатини мустаҳкамлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

- нақд пул тушуми устидан қатъий назорат ўрнатилди;

- тижорат банклари томонидан лойиҳаларнинг самарадорлиги ва харажатларни қоплашдан келиб чиққан ҳолда кредитлар ажратилиши устидан назорат кучайтирилди;

- маҳаллий бюджет тақчиллигини инфляциясиз қоплашга босқичма-босқич ўтиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди;

- солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи роли кучайтирилди. Вилоятда бозор инфратузилмаларини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилди;

- вилоятдаги Марказий банк ва 13 та тижорат банклари фаолиятини банк тизимини ислоҳ қилиш талаблари асосида ташкил этилди.

Айниқса, 2007 йилда «Миллий валютани ҳалқаро жорий операциялар бўйича конвертациясини таъминлаш Ҳаракат режаси ижроси»га доир Республика Идоралараро махсус йиғилишида белгиланган вазифаларни вилоятда бажарилишини ташкил этиш юзасидан иқтисодиёт ва назорат органларининг тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва шу дастур асосида иш ташкил этилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида миллий валютамини ҳалқаро операцияларда конвертацияси таъминланди.

Эркин конвертацияга ўтилиши вилоятга чет эл инвесторларини кириб келиши учун имконият яратиб берди.

Натижада, банкларга барча манбаалардан пул тушуми кўпайди. Аҳолига истеъмол моллари етказиб бериш, пуллик хизмат кўрсатиш тармоғи яхшиланди.

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг вилоят Бош бошқармаси ҳамда 13 та тижорат акционерлик банклари жумладан, ОАТБ «Саноатқурилишбанк», ОАТБ «Агро банк», ТИФ «Миллий банк», ОАТБ «Микрокредитбанк», ДТ Халқ банки, ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк», ОАТБ «Савдогар банк», ДАТ «Асака банк», АТИБ «Ипотека банк», ОАТБ «Ипак йўли банк», ОАТБ «Ҳамкор банк», ОАТ «Алоқа банк» ва ОАТ «Турон банк» вилоят бўлим ва филиаллари фаолият кўрсатмоқдалар.

Ташқи иқтисодий алоқалар вилоят вакиллиги қимматбаҳо қоғозлар бозори савдосини ташкил этувчи брокерлик идоралари, Республика Миллий депозитарияси, Кўчмас мулклар биржаси, Товар хом-ашё фонд биржалари, «Мадад» суғурта агентликлари ва «Ўзбекинвест» экспорт-импорт Миллий суғурта компанияси Навоий вилоят шўъба корхоналари ишлаб турибди.

Вилоятда кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш ва мулкчиликни барча шакллари ривожлантириш учун етарли иқтисодий шароитлар яратилди.

2015 йилнинг 1 январ ҳолатига 31 та ҳиссадорлик жамиятлари, 3774 та хусусий корхоналар, 56 та қўшма корхоналар, 3318 та давлат ва бошқа мулк эгалари фаолият кўрсатмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг 52,6 фоизи хусусий корхоналар, 47,4 фоизи бошқа мулк шаклидаги корхоналардир.

Вилоятда 2015 йилнинг 1 январ ҳолатига 6126 та микрофирма ва 672 та кичик корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг 33,3 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 21,2 фоизи саноат, 12,4 фоизи қурилиш корхоналардир.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳалари тўлалигича нодавлат мулк шаклига ўтказилди.

Кичик ва ўрта бизнесни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилди.

2014 йилнинг январ-декабр ойларида кичик бизнес субъектларига 384865,8 млн. сўмлик кредитлар берилди.

Давлатга қарашли ва нодавлат мулкларни «Ким ошди» ва танлов савдоларида сотиш йўлга қўйилди.

Фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилишлари учун яқка тартибда уй-жой қуришга ва шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун ер майдонларини «Ким ошди» савдоларида сотиш бўйича белгиланган дастурларни бажарилиши таъминланди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ишловчиларнинг ўртача бир ойлик иш ҳақи вилоят бўйича 2014 йилда 1787852,1 сўмни ташкил этди.

Вилоятда иқтисодиётнинг молиявий муттаносиблиги таъминланди. Маҳаллий бюджетнинг даромад қисми бўйича барча кўрсаткичлар ошириб бажарилганлиги туфайли бюджет тўловларини ўз вақтида амалга ошириш имконияти яратилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга алоҳида эътибор берилди.

Вилоят бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 2014 йилнинг январ-декабр ойларида амалдаги нархларда 7575,8 млрд. сўмни ташкил этди

ёки 2013 йилга нисбатан 104,0 фоизга ўсди. 2013 йилга нисбатан аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш мос равишда 2,5 фоизга кўпайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа тармоқлар улуши ортди.

Умуман олганда иқтисодийётни барқарор ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Ўтган давр мобайнида, Мухтарам Юртбошимиз ҳамда Ҳукуматимиз томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунинг яққол исботи сифатида, Ҳурматли Президентимизнинг 2012 йил 10 майда “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754 сонли қарори қабул қилинди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида, вилоят ҳокимининг 2012 йил 15 майда “2012-2016 йилларда Навоий вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги Қ-99-сонли қарори қабул қилинди.

Соҳани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, вилоятда хизматлар ҳажмининг ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, хизматларнинг янги турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотига соҳанинг улушини ошириш мақсадида, вилоят ҳокимининг 2014 йил 7 январдаги “Навоий вилоятида 2014 йилга мўлжалланган хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги Қ-3-сонли қарори қабул қилиниб, Дастур доирасида умумий қиймати 64,7 млрд. сўмлик 1794 та лойиҳалар амалга оширилиши ва бунинг ҳисобига 3154 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Ҳисобот даврида дастур доирасида 1212 та хизмат кўрсатиш объектлари янгидан ишга туширилган бўлса, уларнинг 627 таси (51,7%) айнан қишлоқ жойларида фойдаланишга топширилди.

Жумладан, фойдаланишга топширилган лойиҳаларнинг 583 таси савдо ва умумий овқатланиш, 168 таси маиший хизматлар, 47 таси алоқа ва ахборотлаштириш ҳамда 414 таси бошқа турли хилдаги хизматлар кўрсатувчи объектлар ҳисобига тўғри келади.

Хусусан, Кармана туманида “Зарафшон Гранд Инвест” МЧЖ томонидан вилоятда наъмунавий транспорт хизматини йўлга қўйиш, аҳолига сифатли йўловчи ташиш хизмати кўрсатиш ҳамда қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, хизмат кўрсатувчи “Ипотека банк” томонидан 1593,0 млн. сўм кредит маблағи ҳисобига 50 та “Daewoo” енгил автомобиллар харид қилиниб, 70 та янги иш ўринлари яратилди ва бугунги кунда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бундан ташқари, Зарафшон шаҳридаги “Авецина-Зарафшон” хусусий корхонаси томонидан дерматолог, косметолог хизматлари, Навоий шаҳридаги “NAVOIY-OFTAL MOSERVIS” ХК томонидан соғломлаштириш маркази, Қизилтепа туманидаги “Қизилтепа келажаги” ХК томонидан тўйхона хизматлари ташкил этилди.

Бугунги кунда, вилоят аҳолисининг интернет тармоғига улаш хизматини кўрсатувчи провайдер ва операторлар сони 8 тани ташкил этади.

Вилоятда интернетдан фойдаланувчилар сони жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига 255 мингдан зиёдни ташкил этиб, ҳар 1000 фуқаро сонига ўртача 283 та фойдаланувчи тўғри келмоқда.

Шунингдек, вилоятда фаолият олиб бораётган мобиль алоқа операторларининг 675 минг атрофида абонентлари мавжуд.

Бундан ташқари, банк соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилган ишларнинг натижасида,

вилоятда пластик карточкалардан фойдаланувчилар сони 576 мингтага етиб, ҳисобот даврида уларда пул айланиш ҳажми 960 млрд. сўмни ташкил этди.

Жорий йилнинг 9 ойи якуни билан тижорат банклари томонидан вилоят бўйича 7548 та савдо терминаллари, 29 та банкоматлар ва 61 та инфокиоскалар ўрнатилган.

Хизматлар соҳаси тармоқларида ҳисобот даврида 6403 та шундан, 3350 таси (52,3%) қишлоқ жойларида барпо этилди.

Вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда қишлоқ жойларда уларни қайта ишловчи мини технологиялар билан жиҳозланган кичик корхоналарни ташкил этиш борасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, бунинг натижасида жорий йилнинг 9 ойи якуни билан гўштни қайта ишлаш даражаси 2008 йилдаги 3,6 фоиздан 10,9 фоизга ҳамда сутни қайта ишлаш даражаси 1,5 фоиздан 12,4 фоизга етказилди.

Бунга асосан, вилоятда ўтган йиллар мобайнида зомонавий қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш эвазига эришилмоқда.

Жумладан, жорий йил учун тасдиқланган Дастурга мувофиқ вилоятда 3 та гўшт, 3 та сут ва 1 та мева-сабзавотни қайта ишлаш лойиҳаларини янгидан ташкил этиш ҳамда мавжудларидан 1 та тўшт ва 2 та сутни қайта ишлаш цехларини реконструкция қилиниши кўзда тутилган. Ушбу мақсадлар учун жами 3,9 млрд. сўм шундан, 864 млн. сўм маблағ тижорат банклари кредитлари сарфланиши ва 78 нафар янги иш ўринларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Ҳисобот даврида дастур доирасида 2 та гўшт ва 2 та сутни қайта ишлаш лойиҳалари янгидан ташкил этилган бўлса, мавжудларидан 2 та сутни қайта ишлаш корхонаси реконструкция қилиниб, жами 1516 млн. сўм ўзлаштирилди ва натижада 45 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Вилоятда экспорт тузилмасининг таркиби ҳам анча ўзгарган бўлиб, бугунги кунда экспортда кимёвий маҳсулотлар, пахта толаси, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа турдаги маҳсулотлар асосий ўрин тутмоқда. Шу билан бирга, вилоят экспорт салоҳиятининг географияси ҳам кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 декабрдаги “2014 йилда маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2101 сонли қарори асосида 2014 йилнинг январ-сентябр ойлари учун вилоят ҳудудий тасарруфдаги корхоналар экспорт прогноз режа топшириғи 34,9 млн. АҚШ доллари миқдорида белгиланган бўлиб, амалда 35,4 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар ва хизматлар экспорти амалга оширилган ёки белгиланган прогноз 101,5 фоизга уддаланилган.

Вилоят бўйича ҳудудий экспорт прогнозига кирган корхоналар томонидан қуйидаги маҳсулот турлари экспортга чиқарилган.

Жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари (кунжут мойи, навод), енгил саноат (пахта толасидан калава ип), қурилиш материаллари (бентонит кукуни, мрамор плиталари, гипс ва гипсокартон, оҳак), фосфор уни, шунингдек, сертификациялаш ва меҳмонхона хизмати, тижорат банклари хизматлари ва бошқа хизматлар ҳам кўрсатилмоқда.

Вилоятда жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига барча иқтисодий тармоқлар бўйича 10752 та (ер майдонлари туман ҳокимликлари заҳира ер фондига қайтарилган фермер хўжаликларисиз) (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз 8680 та) субъект рўйхатдан ўтган бўлиб, шулардан 6815 таси (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этди. Жумладан, 675 таси кичик корхоналар ҳамда 6140 таси микрофирмалар ҳисобига тўғри келди.

Ҳисобот даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯХМдаги улуши 36,6 фоизни ташкил этди ёки бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври нисбатан 0,2 пунктга ошишига эришилди.

Ҳисобот даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун жами 314,4 млрд. сўм шундан, 188,7 млрд. сўм узоқ муддатли ва 125,7 млрд. сўм қисқа муддатли кредит маблағлари ажратилди. Соҳага ажратилган кредит маблағи миқдори белгиланган режага нисбатан 106,2 фоизни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 129,3 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, хорижий кредит линиялари ҳисобидан, 7484,0 минг АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи ажратилди.

Жадвал 5-да Навоий вилоятида хизматлар ва сервис соҳасига қарашли бўлаган тармоқлар фаолиятларига оид кўйдаги маълумотлар келтирилган.

5-жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, Навоий вилоятида 2010—2014 йиллар мобайнида Навоий вилоятидаги хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида асосий кўрсаткичлар ҳажмларида ўзгаришлар содир бўлган.

Жами хизматлар ҳажми 2010-йилда 1622072,4 млн сўм, 2012-йилда 1953566,7 млн сўм 2013-йилда 2331835,3 млн сўм ва 2014-йилда 2974243,7 млн сўм бўлган. Тегишли равишда ўсиш суръати 2010-йилга нисбатан 240,9%ни ва 2013-йилга нисбатан эса

116,6 %ни ташкил этди.

Вилоятда охириги йиллар мобайнида кскин суръатлар билан ўсиш тавсифига эга бўлган хизмат тармоқлари жумласига кўйдагиларни келтириш мумкин. Уларга алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (130,7%) компютерли дастурлаштириш хизматлари (128,7%) ;савдо ва овқатланиш хизматлари (123,9%) маиший хизматлар (118,0%) қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлар (108,8%) кабиларни келтириш мумкин.

Жадвал 5

2010-2014йилларда Навоий вилоятида хизмат соҳаси тармоклари асосий кўрсаткичлари динамикаси

№	Хизмат тармоклари	2010	2011	2012	2013	2014	Ўзгариш сурати %	
							2010 йилга нисбатан	2013 йилга нисбатан
1	Жами хизматлар шу жумладан	1234791,1	1622072,4	1953566,7	2331835,3	2974243,7	240,9	116,6
2	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	30684,7	48122,6	87526,0	105472,8	123391,2	402,1	130,7
3	Компютерли программлаштириш хизматлари	-	-	393,2	593,6	765,6	-	128,7
4	Молиявий хизматлар	86013,0	111678,6	132085,8	150761,3	182181,9	211,8	132,0
5	Траспорт хизматлари	213131,9	291126,5	342034,0	407467,9	513484,0	240,9	121,7
6	Курилиш хизматлар	-	-	128271,4	74921,1	93258,3	-	118,4
7	Туристик хизматлар (мехмонхона хизматлари билан биринчи)	-	-	5836,3	7223,8	7901,9	-	113,2
8	Савдо ва овқатланиш хизматлар	212259,2	288079,1	361738,3	503110,5	690620,1	325,4	123,9
9	Маиший хизматлар	23876,2	29634,3	52299,2	70626,8	99145,8	330,7	118,0
10	Таълим хизматлар	-	-	41299,7	51190,3	58414,7	-	103,3
11	Согликни сақлаш хизматлари	-	-	7923,7	10805,2	12527,7	-	103,9
12	Кишлоқ хўжалик хизматлар	-	-	-	13092,7	15241,3	-	108,8
13	Бошка хизматлар	206420,5	281656,4	784072,1	920266,3	1169105,1	566,4	107,1
14	Коммунал хизматлар	-	-	642219,5	745742,6	924541,9	-	103,6

Жадвал маълумотларидан яна бир кўзга ташланадигани шундан иборатки, 2010-2011 йилларда умуман мавжуд бўлмаган хизмат турлари хисобланган компютерли дастурлаштириш хизматлари қурилиш хизматлари, туристик хизматлар, таълими хизматлари, соғлиқни сақлаш хизматлари, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлар, коммунал хизматлар кабилар 2012-йилдан бошлаб кўрсатила бошланди. Бу албатта ижобий ҳолат хисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Навоий вилоятида аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва турларида ижобий томонга ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу ўз навбатида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар даражасига жавоб беради.

Жадвал 6 да Навоий вилоятида хизматлар соҳаси тармоқлари фаолиятларига оид қуйидаги маълумотлар келтирилган.

Жадвал 6

2013-2014 йилларда Навоий вилоятида асосий турдаги хизматлар ҳажми

(млн сум)

	Хизмат тармоқлари	2013	2014	Фарқи (+/-)	Ўзгариш сурати (%)
	Жами хизматлар шу жумладан	2331835,3	2974243,7	642408,4	116,7
	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	105472,8	123391,2	17918,4	128,7
	Компютерли программалаштириш хизматлари	593,6	765,6	171,8	132,8
	Молиявий хизматлар	150764	182181,9	314420,5	121,7
	Траспорт хизматлари	407467,9	513480,0	106016,1	118,4
	Қурилиш хизматлар	74921,1	93258,3	18337,2	113,2
	Туристик хизматлар (мехмонхона хизматлари билан бирга)	7223,8	7901,9	678,1	113,2
	Савдо ва овқатланиш хизматлар	5031110,5	690620,1	187509,6	123,9

	Маиший хизматлар	79626,8	99445,8	19519,6	118,0
	Таълим хизматлар	51190,3	58414,7	7224,4	103,3
	Соғлиқни сақлаш хизматлари	10805,2	12527,7	1722,5	103,9
	Қишлоқ хўжалик хизматлар	13092,7	15241,3	2148,6	108,8
	Бошқа хизматлар	920266,3	1169105,1	248838,8	107,1

Жадвал маълумотларидан шу нарса кўзга ташланадики, тадқиқот қилинган 2013-2014 йиллар мобайнида Навоий вилоятида хизматлар соҳаси тармоқларида асосий турдаги хизматларни ишлаб чиқариш ҳажмларида сезиларли даражада ўзгаришлар содир бўлган. Жумладан, жами хизматлар ҳажми 2013 йилда 2331835,3 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб унинг ҳажми 2974243,7 млн сўмга етди ёки ўртадаги фарқ 642408,4 млн сўмга ошди. Тегишли равишда ўсиш суръати 116,7% даражасида бўлди.

Худуди шундай ҳолат алоқа ва ахборотлаштириш хизматларида (17918,4 млн.сўм ёки 128,7%); компютерли прогламаштириш хизматларида (171,8 млн.сўм ёки 132,8%); молиявий хизматларда (314420,5 млн.сўм ёки 121,7 %); транспорт хизматларида (106016,1 млн.сўм ёки 118,4%); қурилиш хизматларида (18337,2 млн.сўм ёки 113,2%); туристик хизматларда (меҳмонхона хизматлари билан бирга) (678,1 млн.сўм ёки 113,2%); савдо ва овқатланиш хизматларида (187509,6 млн.сўм ёки 123,9%) ; маиший хизматларда (19519,6 млн.сўм ёки 118,0%) ; таълим хизматларида (7224,4 млн.сўм ёки 103,3%); соғлиқни сақлаш хизматларида (1722,5 млн.сўм ёки 103,9%); қишлоқ хўжалик хизматларида (2148,6 млн.сўм ёки 108,8%) ва бошқа турдаги хизматларда (248838,8 млн.сўм ёки 107,1%) кузатилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Навоий вилоятида аҳолига кўрсатиладиган хизматларни ишлаб чиқувчи соҳа ва унинг тармоқларида амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳозирги давр талаблари даражаларига тўлиқ жавоб беради деган фикрни айтсак муболаға бўлмайди.

Жадвал 7

Навоий вилояти бўйича хизматлар соҳасининг ривожланиш
суръатлари
(2012-2014 йиллар давомида)

<i>Кўрсаткичлар</i>	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2013-йилда</i>		<i>2014-йилда</i>		<i>2014-йилда 2013-йилга нисбатан</i>	
		<i>Абсолют бирликда</i>	<i>2012-йилга нисбатан % да</i>	<i>Абсолют бирликда</i>	<i>% да</i>	<i>Абсолют бирликда</i>	<i>% да</i>
Хизматлар жами	Млрд. сўм	1953,6	107,8	2331,8	111,8	119,4	103,7
Пуллик хизматлар	млрд. сўм	408,8	110,9	551,3	116,8	134,9	105,3
ЯИМга нисбатан % да	%	30,9	х	28,2	х	91,3	0,0
Шу жумладан хизмат турлари бўйича:							
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	млрд. сўм	87,5	122,0	105,5	131,6	120,6	107,9
Компютерли дастурлаш хизматлари	млрд. сўм	0,4	120,9	0,6	145,0	150,0	119,9
Молиявий хизматлар	млрд. сўм	132,1	105,1	150,8	122,7	114,2	116,7
Транспорт хизматлари (логистика хизматларини қўшган ҳолда)	млрд. сўм	342,0	116,1	407,5	109,5	119,2	94,3
Қурилиш хизматлари	млрд. сўм	128,3	101,5	74,9	113,8	58,4	112,1
Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	млрд. сўм	9,3	79,9	6,9	100,5	74,2	125,8
Қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	млрд. сўм	0,8	92,7	0,5	100,9	62,5	108,8
Туризм-	млрд. сўм	5,8	108,9	7,2	106,5	124,1	97,8

саёҳат хизматлари (меҳмонхона лар хизмати қўшган ҳолда)							
Савдо ва овқатланиш хизматлари	млрд. сўм	361,7	110,1	503,1	122,5		
Маиший хизматлар	млрд. сўм	52,3	115,8	79,6	129,1	139,1	111,3
Таълим хизматлари	млрд. сўм	41,3	101,7	51,2	101,0	152,2	111,5
Соғлиқни сақлаш хизматлари	млрд. сўм	7,9	102,8	10,8	136,1	124,0	99,3
Қишлоқ хўжалигик соҳаси хизматлари	млрд. сўм			13,1	117,2		
Бошқа хизмат лар	млрд. сўм	784,1	103,6	920,1	102,5	117,3	98,9

Манба: Навоий вилоят статистика бошқармаси ҳисоботи материаллари.

Ушбу жадвал маълумотларига кўра, 2014- йилда жами хизматлар ҳажми вилоят бўйича 3,7фоизга ошган. Ялпи Худудий Маҳсулотда хизматлар улуши 2014-йилда 2013-йилдаги 44,0 % ўрнига 45,6 % ни ташкил этган, яъни 3.6 % га ўсган.

Сўнгги беш йилда анъанавий маиший ва коммунал хизматлар улуши 16 фоиздан 9,5 фоизга тушди, юқори технологиялар асосидаги хизматлар улуши эса 21,2 фоизга қадар кўтарилди.

Навоий вилоятида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида чакана савдо ва маиший хизмалар ҳажми ҳам ўсиб бормоқда. Вилоятда жами чакана савдо хизматлар айланмаси 2467,2 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 115,3 % га ўсган. худди шунингдек, Вилоят бўйича жами пуллик хизматлар 718,6 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда ўтган йилга нисбатан 114,9 %га ўсган.

Вилоятда аҳолига транспорт хизматлар кўрсатиш ҳажми йилдан- йилга ўсиб бормоқда. Аҳолига транспорт хизматлар кўрсатиш бўйича коммунацион иншоотлар қайта қурилиб, замонавий терминаллар барпо этилмоқда. Вилоят ҳудудидан ўтувчи темир йўл ва автомобил йўллари замонавий элелектрон жиҳозлар билан таъмирланиб, йўловчи ташиш хизматининг йилдан - йилга ўсиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Навоий, Зарафшон, Учқудук, Нукус, Бухоро, темир йўл ташуви йўлга қўйилди. Агар 2014-йилда жами транспорт хизматларининг ҳажми 5.3 %ни ташкил этган.

Кейинги даврдаги хизматлар таркибини кўриб чиқадиган бўлсак, хизматларнинг илм ва меҳнат талаб мураккаб, юқори технологик турлари жадал суръатлар билан ўсаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Мобил алоқа, юқори тезликда ишлайдиган интернет, кабелли телевизион алоқа, масофавий банк хизматлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, автомобиллар ва технологик ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш каби замонавий юқори технологиялар асосидаги хизмат турлари аҳоли ўртасида тобора оммалашиб бормоқда. Бу масала давлатнинг шу соҳадаги стратегик йўналиш эканлиги мамлакат Президентининг нутқида алоҳида таъкидлаб ўтилди - “Иқтисодиётимиз ва жамиятимиз ҳаётида ахборот-коммуникация технологияларининг алоҳида ва муҳим ўрин тутишини ҳисобга олиб, 2013 йилда 2013 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури қабул қилинди. Ушбу дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар 2014 йилда мамлакатимизда барча автомат телефон станцияларини рақамли тизимга ўтказишни якунлаш учун замин яратди. Бу эса, халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлигини сезиларли даражада оширилишига имкон яратди” (*Халқ сўзи газетаси 2015й. 17 январ сони*).

Хизматлар соҳасининг ушбу тармоғининг ўсиш динамикасини Навоий вилояти мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, йиллик ўсиш динамикаси ижобий эканлигини кузатамиз.

Навоий вилоятида хизматлар ўсиш динамикаси хизмат турлари кесимида

(Ўтган йилга нисбатан фоизда)

№	Хизмат турлари	Хизматлар ўсиш динамикаси				2014йил · 2013 йилга нисбата н %
		2013 йил режаси	2013 йил амал да	2014 йил режа	2014 йил амалд а	
1.	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (уяли алоқа, "Интернет" тармоғидан фойдаланиш, кабель телевизион алоқаси, почта ва электрон алоқа хизматлари билан бирга)	123,7	125,3	119,0	136,3	12,6
2.	Компьютерли программалаштириш хизматлари (электрон таълим ва консултацион хизматлари билан бирга)	114,3	106,1	116,9	122,9	8,6

3.	Молия хизматлари (банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматлари билан бирга)	112,5	113,7	114,5	132,7	20,2
5.	Қурилиш хизматлари (муҳандислик жиҳозларини таъмирлаш ва ўрнатиш хизматлари билан бирга)	118,5	133,3	118,0	128,2	9,7
6.	Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари	141,5	133,9	119,0	130,3	-11,2
7.	Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари	122,9	142,5	116,5	137,3	14,4

Манба: Навоий вилоят статистика бошқармаси ҳисоботи материаллари.

Юқори технологияларга асосланган хизматлар орасида кейинги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бошқа соҳаларга нисбатан жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу хизматлар ҳажми сўнгги беш йилда 3,3 баробар, ўтган йилга нисбатан эса 12,6 фоизга ўсди.

Вилоятда туризмнинг махсус турларини кенгайтириш, аҳолига юқори технологик тиббий хизматларни таклиф этиш учун имкониятлар мавжуд.

Вилоят саноатининг кескин ривожланиши учун яратилаётган имкониятлар унга уйғун ҳолда хизматлар соҳасининг ҳам истиқболли - юқори технологияларга суянган тармоқларининг вужудга келишини таъминланиши прогноз қилинмоқда. Бундан ташқари, вилоят аҳолисига жумладан, вилоятимизнинг чекка ҳудудларида яшаётган аҳолининг ахборот-коммуникация технологиялари хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2.3. Навоий вилояти хизмат кўрсатиш корхоналари даромадлари кўрсаткичларининг таҳлили.

Бозор иктисодиёти шароитида даромад ва фойда савдо корхоналари хўжалик фаолиятининг натижаларини ифодаловчи, шунингдек уларнинг мақсадини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичлар саналади.

Даромад ва фойда хўжалик юритувчи субъектларнинг макон ва замонда фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг асоси (негизи) ҳисобланади. Савдо корхоналарининг даромади ва фойдаси нафақат уларни ривожлантириш воситаси, балким у давлат бюджетини маблағ билан таъминлашнинг ҳам энг асосий манбаларидан бири ҳисобланади.

Савдо корхоналариялпи даромади ва фойдаси таҳлилининг асосий мақсади савдо корхонанинг ҳисобот даврида олган фойдасини миқдор ва таркибий жиҳатдан баҳолаш, уларнинг олдинги даврларга нисбатан ўзгаришига, мазкур кўрсаткичлар бўйича режа бажарилишига баҳо бериш, келгусида савдо корхонаси фойдасини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун савдо корхоналари ялпи даромади ва фойда кўрсаткичлари таҳлили олдида бир қатор вазифалар қуйилади. Бизнингча, ушбу вазифалар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

1.Келгусида ялпи даромад ва фойдани режалаштириш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш;

2.Ҳисобот даврида олинган ялпи даромад ва фойдани миқдор ва таркибий жиҳатдан урганиб чиқиш;

3. Ялпи даромад ва фойда кўрсаткичларининг сўнгги йиллардаги динамикасига баҳо бериш;

4. Режа кўрсаткичлари бажарилишини, ялпи даромад ва фойдани кўпайтириш учун мавжуд ички ва ташқи имкониятларни урганиш;

5. Ялпи даромад ва фойда кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсирини ҳисоблаш ва шу омилларни фойдани оширишга сафарбар қилиш;

Савдо корхоналари ялпи даромади ва фойдаси тахлили бир томондан мазкур кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилишини урганса, иккинчидан хўжалик фаолиятини батафсил ўрганиб келгуси давр учун фойдани режалаштиришга тегишли ахборотларни туплаб беради.

Савдо корхоналари ялпи даромад ва фойдаси тахлилининг олдига қўйган максадига эришиш учун энг аввало ушбу кўрсаткичларнинг ҳисобот давридаги миқдорини аниқлаш, уларнинг ҳар бир фаолият тури бўйича таркибий тузилишини ўрганиб чиқиш талаб этилади.

Ялпи даромад ва фойда тахлили мукамал бўлиши учун таҳлил мобайнида ушбу кўрсаткичлар олдинги йиллар билан солиштирилиши, уларнинг сўнгги йиллардаги динамикаси ўрганиб чиқилиши лозим. Ялпи даромад ва фойданинг динамик тахлили олдинги қабул қилинган бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш, шунингдек фойда кўрсаткичларининг қупайиш тенденциясини белгилаб олиш имкониятларини яратади.

Ялпи даромад ва фойда тахлилининг тўртинчи вазифаси савдо корхонасида ушбу кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилишини ўрганиш билан боғлиқ.

Мазкур кўрсаткичлар режасининг бажарилишни чуқур ўрганиш шу орқали унинг фаолиятига объектив баҳо бериш ҳам таҳлилнинг муҳим вазифаси бўлиши керак.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб бизлар дастлаб, Навоий вилоятидаги савдо корхоналарининг даромад ва фойда билан боғлиқ кўрсаткичларини таҳлил қилишни лозим топдик (9-жадвал).

Даромадларининг таркиби ва тузилиши

	Кўрсаткичлар	2013 йил			2014 йил			2014 йилнинг 2013 йилга нисбатан ўзгариши, %		
		“Музроб Иброхим” МЧЖ (чакана савдо)	“Навфар сифат” КТИЧСФ (аптека)	“Халил ота” номли ХИЧСФ (чакана савдо)	“Музроб Иброхим” МЧЖ (чакана савдо)	“Навфар сифат” КТИЧСФ (аптека)	“Халил ота” номли ХИЧСФ (чакана савдо)	“Музро б Иброхи м” МЧЖ (чакана савдо)	“Навф ар сифат” КТИЧ СФ (аптека)	“Халил ота” номли ХИЧСФ (чакана савдо)
	Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан келган тушум	1083142,2	893583	773416	1201629,7	1061968	845010	110,9	118,8	109,3

	Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромадлар	-	-	-	-	-	-	-	-	-
	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	-	16615	-	-	20528	-	-	123,6	-
	Фавқулодда даромадлар	-	-	-	-	-	-	-	-	-
	Жами даромадлар (1қ+2қ+3қ+4қ)	1083142,2	910198	773416	1201629,7	1082496	845010	110,9	118,9	109,3

Манба: Корхоналар ҳисоботлари маълумотлари асосида ҳисобланди

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган йилларда учала корхонада даромад кўрсаткичи бир мунча ижобий ўзгариш ҳосил қилган. Жумладан, 2014 йилда барча корхоналарда 2013 йилга нисбатан маҳсулотларни сотишдан тушган тушум ҳажми ошган. Энг юқори кўрсаткич “Навфар сифат” КТИЧСФ га тегишли бўлиб, маҳсулотларни сотишдан тушган тушум ҳажми 1061968 минг сўмни ташкил этиб 2013 йилга нисбатан 168385 минг сўмга ва 118,8 фоизга ошган.

Савдо соҳасида даромадларни асосий қисми тегишли товарларни сотишдан шаклланади. Бунда даромадни шакллантирувчи кўрсаткич сифатида савдо корхоналарини, товарларни сотиб олиш баҳосига қўйиладиган устамалар ҳисобланади. Шу сабабли ҳам “Музроб Иброҳим” МЧЖ ва “Халил ота” ХИЧСФ да ялпи даромадлари асосан бир манба ҳисобидан шаклланишини кўриб турибмиз. “Навфар сифат” КТИЧСФ товарлар сотиш билан боғлиқ бўлмаган, бажарган бошқа ишлар ва хизматлардан ҳам даромадлар олган, яъни молиявий фаолиятдан 20528 минг сўм даромад олган.

Савдо корхоналари фаолиятларини тижоратланиши натижасида улар даромадини шаклланиши, моҳияти ва турлари тубдан ўзгариб кетди.

«Маҳсулот (иш хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш татиби тўғрисида Низом» да (5 феврал 1999 йил 54 – сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори) хўжалик субъектлари, жумладан савдо корхоналари даромадларининг турлари ва аниқлаш усуллари келтирилган.

Савдо корхоналарининг даромадлари юқорида келтирилган Низом бўйича қуйидагилардан таркиб топади:

1. Сотишдан олинган даромад. Савдонинг «Товарларни сотишдан олган ялпи даромади» сотишдан олинadиган соф тушумдан сотилган товарларни харид қийматини чегириб ташлаш орқали аниқланади. Сотишдан олинadиган соф тушум товар айланиши суммасидан товарларни сотиб олиш қийматига

киритиладиган, (ишлаб чиқариш корхоналарини сотиш (улгуржи) баҳоларидан ташқари) сотиб олиш билан боғлиқ қўшимча харажатларни (божхона тўловлари – акциз солиғи, ҚҚС, божхона божи ва йиғимлари; воситачилик ёки брокерлик харажатлари ва бошқаларни) чегириб ташлаш орқали аниқланади.

2. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

3. Асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар. Улар қаторига молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва фавқулотдаги даромадлар киради.

Умуман олганда эса юқоридаги барча ҳолатлар “Музроб Иброхим” МЧЖ, “Халил ота” ХИЧСФ ва “Навфар сифат” КТИЧСФ савдо корхоналарининг 2014 йилда 2013 йилга нисбатан бир мунча самарали фаолият олиб борганлигидан далолат беради.

Савдо харажатларини тўлаш манбаи бўлиб, савдо устамалари хизмат қилади. У товарлар чакана баҳоси билан товарларни сотиб олиш (улгуржи савдодан, ишлаб чиқаришдан ёки бошқа воситачилардан) баҳоси ўртасидаги фарқи сифатида аниқланади.

Корхона харажатлари деганда – тадбиркорлик фаолияти ва бизнесни йўлга қўйишдаги мақсадли ҳаракатни бошқаришни юзага чиқувчи сарфларга айтилади.

Амалга оширилган харажатлар корхонанинг бир маромда фаолият юритишини таъминлайди. Корхона ўз фаолияти давомида моддий ва меҳнат харажатларини амалга оширади. Корхоналар маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатларни ҳам амалга оширишади. Бундай харажатлар ишлаб чиқаришдан ташқари ёки муомала харажатлари ҳам дейилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ корхоналарнинг харажатлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар;

- ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинадиган ҳамда давр харажатларига киритиладиган харажатлар;

- корхона умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинадиган корхонанинг молиявий фаолияти бўйича харажатлари;

- фавқулодда зарарлар.

Таҳлилнинг кейинги боскичида бизлар юқоридаги савдо корхоналарининг харажатлари таркиби, тузилиши ва динамикасини таҳлил қилишни лозим топдик (2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики барча савдо корхоналарининг сотилган маҳсулотларнинг таннархи харажатлари барча харажатлар таркибида уртача 92-96 фоизни ташкил этади. Жумладан, сотилган маҳсулотларнинг таннархи харажатлари “Навфар сифат” КТИЧСФда 2014 йилга нисбатан 2013 йилда 17,8 фоизга, “Музроб Иброхим” МЧЖда 10,4 фоизга ва “Халил ота” номли ХИЧСФда 8,0 фоизга ошган. Таҳлилдан шу нарса маълум булдики, учала савдо корхоналари ҳам сотилган маҳсулотларнинг таннархи харажатларини камайтириш йулларини излаб топишлари зарур.

Бизнинг фикримизча, сотилган маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий йўллари қуйидагилардан иборат: бошқарув усулларини, сотиш ва меҳнатни илмий ташкил қилишни, хўжалик ҳисобини такомиллаштириш, асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш, моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, маҳсулот сотишнини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш, хўжасизликка қарши курашиш ва ҳоказолар.

Корхоналар харажатларининг таркиби ва тузилиши

	Кўрсаткичлар	2013 йил			2014 йил			2014 йилнинг 2013 йилга нисбатан ўзгариши, %		
		“Музроб Иброхим” МЧЖ (чакана савдо)	“Навфар сифат” КТИЧСФ (аптека)	“Халилота” номли ХИЧСФ (чакана савдо)	“Музроб Иброхим” МЧЖ (чакана савдо)	“Навфар сифат” КТИЧСФ (аптека)	“Халилота” номли ХИЧСФ (чакана савдо)	“Музроб Иброхим” МЧЖ (чакана савдо)	“Навфар сифат” КТИЧСФ (аптека)	“Халилота” номли ХИЧСФ (чакана савдо)
	Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари	986603,6	818623	699822	1088830,9	964317	755642	110,4	117,8	108,0
	Давр харажатлари, жами	28633,6	21458	32764	31680,9	24942	39882	110,6	116,2	121,7
	Асосий фаолиятнинг бошка харажатлари	2361,2	3147	10538	2742,5	3650	11768	116,1	116,0	111,7

	Молиявий фаолият буйича харажатлар	-	-	-	-	-	-	-	-	-
	Даромад (фойда) солиги		-	-	-	-	-	-	-	-
	Фойдадан бошка соликлар ва йигимлар	28077	14368	15669	33170	21148	19167	118,1	147,2	122,3
	Жами харажатлар	1045675,4	857596	758793	1156424,3	1014057	826459	110,6	118,2	108,9

“Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида корхоналар хўжалик фаолиятини баҳоловчи асосий мезон - фойда.

Фойда - бу мураккаб иқтисодий категориялардан бири ҳисобланади. У асосанқўшимча қийматни яратиш ва ишлатиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди”.

Фойда иқтисодий табиатидан ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ мураккаб иқтисодий ва тарихий категориядир. У келиб чиқиши, йуналтирилиши, хўжалик субъектларини хусусиятларидан ва бошқа меъёрларга қараб таснифланиши ва тавсифланиши зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида максимал фойда олиш, эҳтиёжларни қондириш, хўжалик субъектларини самарадорлигини оширишда тижорий фаолиятни ахамияти ортиб боради. Фойда ва рентабеллик, бошқа кўрсаткичлар билан бир қаторда, тижорий фаолиятни, унда қатнашаётган ресурсларни самарадорлигини қўрсатувчи кўрсаткичдир. Фойда хўжалик фаолиятининг натижавий кўрсаткичи сифатида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фойда муҳим аҳамият топади. Унинг миқдори корхоналарни ривожланишига жамғариш манбаи сифатида асос солади; мулкдорни мулкни қўпайишини таъминлайди; акциядорларни даромадини (дивидендларни ортиши орқали) оширади; корхонани молиявий барқарорлигининг ва тўлов қобилиятини сақлашга имконият яратади ва нисбатан у савдони ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга имконият яратади.

Савдо корхоналари фойдаси таҳлилининг асосий мақсади савдо корхонасининг ҳисобот даврида олган фойдасини миқдор ва таркибий жиҳатдан баҳолаш, уларнинг олдинги даврларга нисбатан ўзгаришига, мазкур кўрсаткичлар бўйича режа бажарилишига баҳо бериш, қўлғусида савдо корхонаси фойдасини қўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Савдо корхоналари хужалик фаолиятининг асосий мақсадларидан бири фойда олиш ҳисобланади. Шундай экан ҳар бир корхона имкон қадар кўпроқ фойда олишга интилади. Шундай экан бизлар таҳлилни савдо корхоналари фойдаси кўрсаткичларини таҳлил қилиш билан давом эттирдик. Бунинг учун бизлар 18-жадвални туздик.

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, барча савдо корхоналарида соф фойда суммаси 2014 йилга нисбатан уртача 25 фоиз атрофида усган. Жумладан, “Навфар сифат” КТИЧСФда 2014 йилга нисбатан 2013 соф фойда ҳажми йилда 30,1 фоизга, “Музроб Иброҳим” МЧЖда 20,7 фоизга ва “Ҳалил ота” номли ХИЧСФда 26,9 фоизга ошган. Албатта, бозор муносабатлари шароитида савдо корхоналарининг мақсади ва барча ҳаракатлари максимал даражада фойдага эришиш ҳисобланади. Ушбу вазиятда мулкдорларни соф фойданинг миқдори энг кўп қизиқтиради. Зеро, мулкдорларнинг манфаати айнан соф фойданинг улар ўртасида тақсимланиши орқали юзага чиқади. Шуларни инобатга олсак, учала савдо корхоналарининг эришган натижаларини ижобий баҳолаш мумкин.

Юқоридаги барча “Навфар сифат” КТИЧСФ, “Музроб Иброҳим” МЧЖ ва “Ҳалил ота” номли ХИЧСФ савдо корхоналарининг 2014 йилда 2013 йилга нисбатан бир мунча самарали фаолият олиб борганлигидан далолат беради. Аммо бу кўрсаткичлар унинг рентабеллиги ҳақида ҳеч қандай ахборот бермайди. Шунинг учун ҳам кейинги параграфларда “Навфар сифат” КТИЧСФ, “Музроб Иброҳим” МЧЖ ва “Ҳалил ота” номли ХИЧСФ савдо корхоналарининг рентабеллик кўрсаткичларини батафсилроқ таҳлил қилиб ўтамыз.

III- Боб Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотларида даромадларни ошириш йўналишлари

3.1 Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотларида даромадларни ошириш йўллари.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўтиш давридаги ҳолати сезиларли равишда хизматлар соҳасидаги ўзгаришлар билан тавсифланади. Ўзгаришлар кенг қамровли муаммоларни, хизмат кўрсатиш фаолиятининг кўпчилик индустриал асосларини қамраб олади, хизматлар соҳасидаги иқтисодий муносабатларга янги элементлар олиб келади.

Хизматлар соҳасидаги асосий ўзгаришлар у ёки бу маънода бозор қайта қуришлари билан боғлиқ. Ундан ташқари, бозор шароитларига мослашиш ва бозор ўзгаришларига мўлжални олиш хизматлар соҳасини қамраб олувчи замонавий трансформация жараёнларининг асосий тенденцияларини ташкил этади. Ушбу тенденция объектив асосга эга. У иқтисодиётни янгилашнинг барча йўллари орқали вужудга келади.

Бозор иқтисодиётида истеъмолчининг устуворлиги тавсифлидир. Кўпчилик масалаларнинг ҳал этилиши жойида, яъни корхонада амалга оширилади.

Бозор тизими хўжалик механизмининг асосий элементи бўлиб, хўжалик фаолияти эркинлиги, баҳо, талаб, таклиф ва рақобат ҳисобланади. Хизматлар бозори самарали, қачонки ушбу элементлар аниқ йўлга қўйилган ва ўзаро боғлиқ бўлса.

Ўтиш даврида хизматлар бозорининг замонавий тури шаклланмоқда. У тугалланмаган тавсифга эга, аввалги маъмурий таъзиқларга учраб турибди. Шунга қарамайдан, мамлакатдаги қийин ҳолатга қарамайдан, ушбу тизим кўпроқ истеъмолчига ишланмоқда, талаб ва таклиф, эркин нархлаштириш, рақобатга мўлжал қаратиб текис алоқаларга чиқмоқда.

Замонавий хизматлар бозори хўжалик фаолиятининг кенг соҳасини қамраб олади. Бозор шароитида хизматлар соҳаси объектив ва иқтисодий аниқ ривожланишга эга бўлади ва ижтимоий-зарурий тавсифга эга.

Хизматлар соҳаси жуда катта сонли иқтисодий жиҳатлардан бир бирига ўхшамайдиган бозор сегментларидан иборат бўлиб, улар бозор ишлаб чиқаришнинг амалий мақсадларига эришишга йўналтирилган.

Хизматлар бозори иқтисодий таъсирнинг объекти бўлиб, тайёр маҳсулот, хом ашё ва материаллар, табиат кучи, ижтимоий онгнинг турли хилдаги лаҳзалари, инсоннинг ўзи ва унинг истеъмол предметлари (маиший хизматлар), унинг онги (маданий хизмат кўрсатиш, маърифат таълим), соғлиғи (тиббий хизмат кўрсатиш, жисмоний тарбия ва спорт), тура ржой (турар жой коммунал хизмат кўрсатиш), ҳаракатларга эҳтиёжлар (йўловчи транспорти хизматлари), алоқа (почта – телефон хизматлари), овқатланиш (оммавий овқатланиш), истеъмол предметларини харид қилиш (савдо) ва бошқалар киради.

Хизматлар бозори қолган бозорларга умуман ўхшамайди. Бундай фарқнинг икки асосий сабаби мавжуд.

1. Хизматлар уни тақдим этмагунча мавжуд бўлмаганлиги сабабли, рақобатчи фирмалардаги турли сотувчилар таклифлари билан таққослаб бўлмайди. Ҳаттоки маҳсулотлар бир хил бўлганда ҳам, масалан суғурта фирмаларида. Таққослаш фақат хизматларни олгандан сўнг мумкин бўлади. Товарлар бозорларида эса маҳсулотларни турли хил усуллар билан таққослаш мумкин. Масалан тест ўтказиш, намуна сифатида харид қилиш, синов ўтказиш ва ҳоказо. Табиийки, хизматлар бозорида олинган ва кутилган нафни таққослаш мумкин бўлади холос.

2. Хизматларни тақдим этиш кўпинча махсус билим ва маҳоратни талаб қилади. Уларнинг харидор томонидан баҳоланишини айрим ҳолатларда тушуниш қийин бўлади. Хизматларни кўрсатишдаги ноаниқликларнинг катта даражаси мижозни ноқулай аҳволга солади, хафғарчилик ва хавфсираш ҳолатига туширади.

Мижоз кўпинча бир «сотувчи» билан – врач, уста, суғурта агенти ва ҳоказолар билан ишлашга ҳаракат қилади. Бундай инерция сотувчига ишлайди, чунки харидорлар бундай ҳолатларда хатоликларни

англашсаларда, уларни кечиришга мойилдирлар. Кўпчилик нарса сервис корхонасининг бозор мўлжалига боғлиқ бўлади. Корхоналар мақсадли хисобланган кенг ёки тор бозорларда ишлалшлари мумкин.

Хизматлар бозорининг фарқи шундаки хизматларни ишлаб чиқаришда истеъмолчиларнинг қатнашишидир. Унга мисол бўлиб автоматик халқаро телефон алоқа, почта буюртмаси бўйича товарларни сотиш, магазинлар, кофетейрийлар, ёкилғи қуйиш ва бошқа сервис индустрияси хизматлари хисобланади. Улар ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тамойили бўйича тақдим этилади. Ушбу тамойилдан товарларни чакана сотишда фойдаланилади. Харидорларга хилма-хил хизматларни таклиф эта туриб, корхоналар хизматлар табиатини ҳам ўзгартириши мумкин.

Хизматларнинг яна бир фарқли хусусияти шундаки, бозорларга хизматлар билан кириб бориш товарларга қараганда анча қийиндир. Бу бир томондан хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари: кўпинча хизматларни маълум ҳудудда тақдим этиш сервис хизмати корхонасининг филиалини ташкил этишни талаб этади. Иккинчи томондан хизматлар савдоси нафақат иқтисодиётга таълуқли, балким сиёсатга ҳам.

Таъкидлаш лозимки хизматлар бозори маълум шароитларда товар бозорига қараганда жозибали хисобланади. Унинг айрим буғинлари осон эгалланади, дастлабки катта бошланғич капиталини талаб этмайди. Масалан консалтинг хизматларини тақдим этиш билан амалга оширилади.

Даромадлилик нуқтаи назаридан ҳам жозибадордир. Унинг айрим «нишча» лари, масалан молиявий, траст, биржа, керакли даражада ўзлаштирилмаган. Уларнинг ўзлаштирилиши янгиллиги туфайли нафақат оддий фойда келтиради, балки қўшимча фойдани ҳам.

Бундай ҳолат хизматлар бозорига тадбиркорлар оқимини кўпайтиради, рақобатни кучайтиради, эгаллаш муаммосини кучайтиради.

Сервис бозори базали ва қўшимча (йўлдош) хизматлар бозорига бўлинади. База хизматларини таъминловчи технологиялар ишлаб чиқариш ва капитал сиғимининг узоқ цикли билан тавсифланади. Айнан шу сабаб билан

улар қисқа ва урта муддатларда сезиларли даражада узгармайди. Бундай камчилик қўшимча хизматларнинг ривожланиши билан тўлдирилади, чунки, уларнинг динамикаси интенсивдир.

Республикамиз иқтисодиётининг бозор трансформацияси хизматлар соҳасида ҳам ўз аксини топди. Аввало у хизмат кўрсатиш корхоналари ва корхоналарининг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилишидан бошланди. Сервис иқтисодиётининг давлат сектори қайта шакллантирилди. Унинг катта қисми нодавлат секторига ўтди.

Ижтимоий – маданий соҳа бўйича чет эл тажрибаси ушбу соҳа тармоқларида моддий ишлаб чиқаришда қўлланиладиган тамойиллар ва усулларнинг тарқатилиши нотукри эканлигидан далолат беради. Кўпроқ самарани аниқ ижтимоий вазифаларни хал этишга ўз фаолиятини қаратадиган ва имтиёзлардан фойдаланиладиган турли давлат, хусусий ва фойда олмайдиган муассаса ва ташкилотларнинг структурасини шакллантириш орқали олиш мумкин.

Ўта муҳим бўлиб, чет эллардаги давлат ижтимоий-маданий секторининг ислоҳ қилиниш тажрибасини қўллаш ҳисобланади. Яъни унинг доирасида рақобат муҳитини ривожлантириш; бозор типигаги механизмни жорий этиш, молиялаштиришнинг танлов тартибини жорий қилиш ва унинг асосида давлат дастурларини амалга оширишга хусусий ва тижорат структураларини жалб қилиш. Шу билан бирга давлатда ушбу секторни ривожлантириш учун асосий рол сақланиб қолади. Давлат ушбу соҳани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқади.

Юқорида қайт қилинганлардан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин.

1. Хизматлар соҳаси янги шароитларга мослашиб бориоқда, аста секинлик билан бозор тизимига кириб бормоқда. Бозорли хизматлар уларнинг умумий ҳажмининг ярмидан кўпроғини ташкил этади.

2. Хизматлар соҳасини хусусийлаштириш аҳамиятлидир. Кўп укладли сервис иқтисодиёти вужудга келади. Ушбу соҳанинг кўпчилик қисми

нодавлат секторига тўғри келади. Хизматлар соҳасида хусусий мулк кўпаймоқда.

3. Хизмат кўрсатиш соҳаси кризис ҳолатига камроқ тушди. Хизматларнинг янги турлари пайдо бўлмоқда.

4. Сервис иқтисодиётининг самарали ўлчовлари ва стандартларига йироқмиз. Лекин унга ҳаракат мавжуд.

5. Хизматлар соҳасида кескин ўсиш кузатилмоқда. Янги истиқболли тармоқлар пайдо бўлмоқда.

Жамиятга зарур бўлган неъматларни ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даври кўпчилик иқтисодчилар томонидан «хизматлар иқтисодиёти» деб номланмоқда. Айнан хизматларга иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари бўлган илмий билим, жамғаришнинг номоддий шакллари, ахборот технологиялари каби муҳим омиллари тавсифлидир. Шунингдек хўжалик фаолиятининг глобаллаштирилиши ҳам.

Хизматларни ривожлантиришга эҳтиёж иқтисодий доира чегараларидан чиқади : иқтисодий ўсишнинг гуманизациялашиш жараёнлари хизматлар комплексининг кенгайиши билан қўшилиб борилади. Бу ўз навбатида инсоннинг ўзи, унинг интеллектуал ва жисмоний имкониятларини такомиллаштиришга, унинг маданий, маънавий ва ижтимоий талабларини қондиришга йўналтирилади.

Охирги йиллар мобайнида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг ушбу рағбатлари янгилари билан кенгайиб борди. Хизматларнинг ривожланишига замонавий фан-техника революцияси таъсир кўрсатади. Компютерлаштириш, ахборот технологиялари, коммуникациянинг янги воситалари асосида, янги хизматлар бозори шаклланмоқда, ананавий хизмат турлари ҳам янгиланиб бормоқда, хизматлар сифат кўрсаткичлари ортмоқда.

Ривожланган давлатлардаги моддий ишлаб чиқаришни таркибий-технологик қайта қуриш, хизматлар соҳасини ривожлантиришга катта туртки бўлди. Шундан кейин моддий ишлаб чиқариш соҳаси фирмаларида техник, сотиш, бошқарув ва бошқа турдаги муаммоларни ҳал этиш бўйича юўори

малакали профессионал маслаҳатчи ва мутахассислар хизматларига талаб орта бошлади.

Хозирги ривожланган иқтисодиётда кўпчилик хизматларни йирик гуруҳларга бирлаштириш мумкин: транспорт, алоқа, улгужи ва чакана савдо, кредит-молия соҳаси, суғурталаш, кўчмас мулк билан операциялар, ишлаб чиқариш ва муомалага хизматлар, маиший хизмат, автотранспортга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, маданий-рекреацион фаолият ва ижтимоий хизматлар блоки- таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар.

Охирги йилларда хизматлар соҳасида тармоқ бўлиниш жараёнлари кенгаймоқда. Кўпчилик давлатларда ўсиш суръатлари бўйича ишчан хизматлар комплекси пешқадамлик қилмоқда. Ушбу хизматлар жумласига: маркетинг ва реклама хизматлари, лизинг операциялари, илмий-тадқиқот фирмалари, биноларини қўриқлаш ва уларга хизмат кўрсатиш хизматлари, муҳандис-қурилиш ва меъморчилик хизматлари ҳужжатларни кўпайтириш, бухгалтерия, аудиторлик хизматлари киради. Бу хизматлар ичида тез суръатлар билан, компьютер хизматлари ривожланиб бормоқда. Маслаҳат бизнеси ҳам ундан қолишмайди.

Коммуникация, кредит-молия ва суғурта хизматлари ҳажмлари йилдан йилга ортиб бормоқда.

Бир қатор хизматлар- оммавий овқатланиш, маиший техника, кийим, оёқ кийимини таъмирлаш, кир ювиш хоналари, кимий-ёғий тозалаш паст суръатлар билан ривожланмоқда. Яъни янги товарни харид қилиш, эскисини таъмирлашга қараганда арзон тушмоқда.

Кайт қилинган динамик ва таркибий тенденциялар барча ривожланган давлатларга хосдир. Хулоса қилганда, хизматлар динамикаси ва структурасида иқтисодий ўсиш сифатини таъминловчи фанталаб ва ижтимоий хизмат турларининг кўпайиши кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2014 йилда ижтимоий- иқтисодий ривожланишнинг яқунлари ва 2015- йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг енг муҳим устувор йўналишларига

бағишланган. Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги “2015- йилда иқтисодиётимизга туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом еттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” деб номланган маърузасида “2014-йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15.7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши еса 53 дан 54 фоизга ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда. Яратилаётган янги иш жойларининг ўндан бир қисмидан кўпроғи айнан мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Айни пайтда қишлоқ жойларида хизмат соҳаси ҳали- бери етарлича ривожланмаганини ҳам айтиш жоиз. Қишлоқда аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар кўрсатиш ҳажми шаҳардагидан, ҳали- ҳамон сезиларли даражада ортда қолмоқда. Айни пайтда қишлоқ жойларида алоқа хизмати, банк- молия ва коммунал хизматлар соҳасини ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлигини ҳам унутмасилик даркор” деб такидлаб ўтди.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, хизматлар соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланади.

2014-йилда мамлакатимизда яратилган ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи ва жами банд бўлган аҳолининг 50 фоизидан ортиғи ушбу соҳага тўғри келгани фикримизга далил ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни оширишининг асосий концептуал йўналишларини аниқлашда самарадорликнинг умум методологик асосларига таянади. Бундан у ёки бу жараённинг (ҳодиса, ҳаражат, ресурс кабилар)⁶

Самарадорликни баҳолаш учун, ундан келадиган натижага аҳамият берилиши асосланади ва хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик

⁶ O'zbekiston ovozi gazitasi 2015- yil 17- yanvar soni

кўрсаткичларининг концептуал йўналишларини аниқлашда соҳанинг қўйидаги кўрсаткичларини инобатга олиш лозим: умумий меҳнат унумдорлиги; харажатларнинг даромадларга нисбатан улуши; рентабеллик кўрсаткичи даромадга нисбатан; рентабеллик кўрсаткичи харажатга нисбатан; ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда суммаси.

Бозор муносабатлари шароитида самарадорлик кўрсаткич энг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки самарадорликнинг бошқача номланиши натижавийлик деб номланади.

Маълумки натижа икки хил бўлиши мумкин: нисбий ёки салбий. Ваҳоланки, хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган ва ўзини ҳурмат қиладиган тадбиркор ўз фаолиятини ижобий натижа билан якунлашга ҳаракат қилади. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, хизмат кўрсатиш соҳасига қарашли бўлган корхоналарнинг кўпчилигида фаолият самарадорлигига оид масалалар ижобий жиҳатдан ҳал бўлмоқда деган фикрдан йироқдамиз.

Ушбу соҳага қарашли айрим корхоналар фаолияти амалга ошириш борасида жиддий қийинчиликларга учрамоқдалар.

Тадқиқотлар натижасига кўра хизматлар соҳасига қарашли бўлган корхоналарда фаолият самарадорлигини ошириш бўйича қўйидаги хулоса ва таклифлар тавсия етилади:

1.Хизматлар бозорини тадқиқот қилиш ишларини яхшилаш хизматлар соҳасига қарашли корхона ва фирмалар хўжалиги амалиёт таҳлил шундан далолат берадики, уларнинг кўпчилиги хизматлар бозори ва ундаги содир бўлаётган ўзгаришларга умуман еътибор қаратишмайди. Натижада фаолият юритиш борасидаги муомалари сони ортади.

2. Соҳага қарашли бўлган корхона ва ташкилотларида ўзлари егалик қиладиган моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича зарурий чора- тадбирларини ишлаб чиқиш.

Ўтказилган тадқиқотлари натижасида шундай хулосага келиш мумкинки. Хизматлар соҳасига қарашли субъектларнинг айримларида

юқорида қайт қилинган ресурсларига оид масалаларига ҳозирги давр талаблари даражасида ёндашишнинг бўлмаслиги. Бу ўз навбатида турли салбий натижаларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Уларни бартараф етиш еса, қўшимча молиявий ресурсларининг сарфланишини тақазо этади.

3. Хизматлар соҳасига қарашли корхона ва ташкилотларида хўжалик фаолиятининг самарадорлигини оширишда муҳим ролни, уларда меҳнат қиладиган кадрлари егалайди, воҳоланки уларнинг проффесёналлиги, хушмуомалалиги, муомала маъданият ва коммуникабиллигидан корхона ва ташкилот фаолиятининг охирги натижасига бевосита боғлиқ бўлади.

Айнан юқорида қайд қилинган ҳислатлари керакли даражада рўёбга чиқарилса шубҳасиз фаолият самарадорлигидан ижобий ўзгаришлари содир бўлади.

Ўтказилган тадқиқотлари шундан далолат берадики соҳага қарашли бўлган корхона ва ташкилотларнинг кўпчилигида мутахассис умуман тўғри келмайдиган шахслари фаолият юритишмоқдалар.

Бу ўз навбатида сервис сифатининг паст даражада бўлишлигини таъминламоқда.

Фикримизча ушбу муоммони ижобий жиҳатдан ҳал етиш учун айрим кадрларнинг малкасини ошириш, уларни турли ўқув курсиларга жалб етиш, мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

4. Соҳага қарашли корхона ва ташкилотларида хўжалик фаолият самарадорлигини ошириш йўлларида бири- бу тижорат ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ётиборини кучайтиришдир.

Ривожланган давлатлардаги хўжалик амалиётининг тадқиқотлари шундан далолат берадики, айнан сервис тадбиркорлик муҳим ва асосий вазифаларини ижобий жиҳатдан ҳал етишда ката рол ўйнаб келмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини тўғри ташкил етиш барорида тўпланиб қолган муоммо ва қийинчиликларини бартараф етиш, соҳага қарашли корхона ва ташкилотларнинг келгусидаги ривожланиш истиқболини белгилаш ва бошқа ўта муҳим вазифалари бевосита бўғлиқ бўлади.

Фикримизча юқоридаги таклиф ва хулосалардан соҳага қарашли корхона ва ташкилотлар хўжалик амаилётда фойдаланилса, улардаги самарадорлик кўрсаткич даражасида ижобий томонга ўзгаришлари содир бўлади деб ўйлаймиз.

Республикамизда барқарор ва ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни самарали ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар бугунги кунда ўз натижаларини бермоқда. XX асрнинг иккинчи ярми ва ХХИ асрнинг бошларида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий тизимида еътиборга молиқ ҳодиса сифатида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва бу соҳада аҳолининг иш билан бандлик даражасининг ошиб бориши тан олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилиги палатаси ва сенатининг 2010-йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янда чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси” мавзусида қилган маърузасида Президентимиз бу масалага алоҳида урғу бердилар: ”... бизнинг яқин истиқболдаги енг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом еттириш-... хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳаларини амалга оширилишига алоҳида еътибор беришдир”

Шундан кўриниб турибдики, ҳозирги мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш жараёнида хизмат кўрсатиш корхоналарини доимий равишда ўзгариб боровчи бозор муносабатлари шароитида барқарор иқтисодий ривожланиши, уларнинг хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий- иқтисодий механизмини такомиллаштириш талаб етилмоқда. Чунки хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий- иқтисодий механизми билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш интенсивлигини таъминлаш, ресурслардан фойдаланишда тежамкорликка еришиш, ҳодимлар меҳнатидан фойдаланиш самарадорлигини ва хизмат кўрсатиш сифати ҳамда унинг натижадорлигини

ошириш, истеъмолчилар талабини тўлароқ қондириш масалалари соҳанинг ўзига хос муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, маҳаллий корхоналарнинг халқаро бозордаги хизматлари даражаси ва сифатини ошириш, ушбу асосида хизматлар экспортини кўпайтириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бир ҳисобланади.

Президентимиз “Таркибий янгиланишдаги алоҳида еътиборини талаб этадиган муҳим масала, бу- хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат. 2012-2016- йилларига мўлжалланган соҳани ривожлантиришга катта еътибор қаратилмоқда. Соҳани ривожлантириш бўйича давлат дастур бунга яққол мисол бўлиб олади.

2013- йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 8,0 фоиз 119,0 трлн сўмни ташкил етди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг барча тармоқларида тизимли ва ислохотларнинг изчил амалга оширилиши ҳисобига еришилмоқда.

2013- йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга ўсиб, унинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 53,0 фоизни ташкил етди.

Жумладан юқори ўсиш суръатлари компьютер дастурлаш (30,4 фоиз), молиявий хизматлар (29,3 фоиз), соғлиқни сақлаш (27,2 фоиз), қурилиш (25,4 фоиз), маиший хизматлар (23,2 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш (21,9фоиз), қишлоқ хўжалигинининг техник воситаларини таъмирлаш (18,2фоиз) ҳамда савдо ва умумий овқатланиш (16,6фоиз) хизматларини кўрсатиш соҳаларида кузатилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатиш корхоналар доимо ташкил етилмоқда.

Фаолият-тур шаклидан қаятий назар ҳар қандай фаолият билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субектнинг олдиға қўйилган ассосий мақсадларидан бири даромад олиш ҳисобланади, яъни фаолиятини ижодий яқунлари билан яқунлаш ҳисобланади. Даромад хўжалик фаолиятининг енг муҳим умумлаштирилган кўрсаткичларидан бири бўлиб, унинг ҳажмидан

бевосита фаолият миқёсида кенгайтириш товарлари ва хизматлари сифат ва ассортиментини яхшилаш, ишчи ва ходимлари моддий фаровонлигини кўтариш, молиявий ресурслар ҳажмини ошириш, ички инвестициялари ҳажмини кенгайтириш ва шунга ўхшаш бир катор ўта муҳим масалалар бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Хизматлар ва сервис соҳасига қарашли корхона ва ташкилотларда даромад олишнинг манбаси бўлиб асосий турдаги хизматларни сотишдан тушадиган тушим ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, хизматлар соҳасидаги хўжалик фаолият миллий иқтисодиётимизнинг бошқа тармоқларига қараганда ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Соҳа корхоналаридаги хўжалик фаолиятининг натижавийлиги ва даромадлилиги бевосита соҳа корхоналаридаги ходимларнинг хуш муомилалиги, муомила саънат, муомила маъданият, куммуникабилиги (тез киришиб кета олишга) ва шунга ўхшаш бошқа масалаларга бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Айнан юқорида қайт етилганлаининг тўлиқ инобатга олиниши хўжалик фаолиятининг ижобий натижаларини таъминлайди.

Шундай экан тармоқ корхоналаридагиларга қараганда бироз қийинроқ ҳисобланади, ўтказилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, соҳага қарашли бўлган барча корхоналардан ҳам умумлаштирувчи кўрсаткич ҳисобланади. Даромад ҳажмига керакли даражада еътибор берилмаяпти. Бу ўз навбатида хўжалик юритиш борасидаги турли хилдаги қийинчиликлар ва муоммани вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Натижада нормал хўжалик фаолиятини ташкил етиш доираси чегараланмоқда. Бу ўз навбатида соҳага тегишли бўлган айрим корхоналарни инқироз кўчасига етакламоқда.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, юқорида таъкидланган камчиликларнинг асосий сабаби бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифат даражасини пастлиги

2. Соҳа ходимларида муомила маъданиятининг керакли даражада емаслиги

3. Янги хизмат турларини кўрсатишга қизиқишининг бўлмаслиги

4. Мавжуд моддий техника базасини ескирганлиги жумладан, асбоб-ускуналар

5. Ўзларининг ихтиёрида бўлган барча турдаги ресурслардан оқилона фойда ололмаслиги.

Хизматлар ва сервис соҳасига қарашли корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолиятининг таҳлилий натижасида даромадларни оширишнинг куйидаги йўллари таклиф этишни лозим деб топтик.

1. Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ассортиментини кенгайтириш (шу жумладан янги хизмат турларини ҳам)

2. Кўрсатилаётган мавжуд хизмат турларининг сифатини ошириш бўйича зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш

3. Соҳа ходимларини қайта тайёрлаш малакасини ошириш масалаларига ётиборни кучайтириш

4. Фақат асосий турдаги ётибор қаратмасдан қўшимча турдаги хизматларни кўрсатиш бўйича зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Фикримизча юқорида қайд қилинган масалаларга жиддий равишда ётибор қаратилса, энг муҳим ва умумлаштирилган кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Даромад ҳажми шубҳасиз ошиш тавсифига ега бўлади.

3.2. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотларида ҳаёт ва ёнғин хавфсизлиги.

Ёнувчи модда билан ҳаводаги кислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқувчи кимёвий реакцияга ёниш дейилади.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахциз ҳодисалардан бири ёнғин ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарда, ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари ва кодексида ёзиб қўйилган.

Ҳар қандай корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган хом ашёси, чиқарадиган маҳсулоти ва жойлашган биносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнғин чиқишга, портлашга ва ёнғин чиққан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек ёнғиннинг асоратига асосланган ҳолда ёнғинга ва портлашга хавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир корхонада ёнғин хавфи биринчи навбатда, у ёрда ишлатилаётган хом ашёнинг ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ёнғинга хавфлилик даражаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам корхоналарни категорияларга ажратганда ишлатилаётган моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Корхоналарда ёнғинга қарши кураш ишларини шу корхоналарнинг ёнғинга хавфлилик даражасига қараб, корхона маъмурияти белгилайди. Агар корхонада ёнғин хавфи бўлса, унда ёнғинга қарши кураш бўлими ташкил қилинади. Бундай бўлим ўзининг махсус ёнғинга қарши кураш командаларини ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда давлат ёнғинга қарши кураш назоратини Ички ишлар вазирлигининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бош бошқармаси амалга оширади. Унинг асосий вазифаси корхоналарда ёнғин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборатдир.

Қабул қилинган технологик лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига биноан барча ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларнинг портлаш ва ёнғин хавфи бўйича беш тоифага бўлинади (А, Б, В, Г ва Д).

«А» ҳамда «Б» тоифалар портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд корхоналардир.

«В» тоифасига фақат ёнғин хавфи мавжуд корхоналар киради. Улар «А» ва «Б» тоифаларида учрамайдиган ёнувчи суюқлик, чанг ва толалар, қаттиқ ёнувчи модда ҳамда материаллар мавжудлиги билан ҳарактерланади.

«Г» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материалларни иссиқ, чўғланган ёки эриган ҳолда ишлайдиган, иш жараёнида нурсимон иссиқлик ажраладиган учқун, аланга чиқиб турадиган, шунингдек, қаттиқ, суюқ ва газсимон ёқилғи ёқиладиган сеҳлар киради. «Д» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материаллар совуқ ҳолатида ишлатиладиган сеҳлар киради.

Ёнғин саноат корхоналари, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, йетказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахциз ҳодисаларга - заҳарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнғинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнғинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Корхонани лойihalашда, куришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинадиган ёнгин хавфсизлиги чора тaдбирлари келажакда ёнгиннинг олдини олиш ва ундан огохлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнгин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнгин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнгин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва сех маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом-ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тaдбирлар амалга оширилади:

- 1) хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- 2) ускуна-мосламаларни тусикланган ҳолатда жойлаштириш;
- 3) корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
- 4) ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли қоицентрацияси ҳосил бўлишига юл қўймаслик;
- 5) ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қушиш;
- 6) ёнгин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт муҳитини яратиш;
- 7) ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, узлуксизлигини таъминлаш;
- 8) технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигини

таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;

9) белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал килиш;

10) технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ва ишга туширишдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;

11) хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;

12) ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;

13) кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бино ва иншоотларида ёнғинни ўчириш учун сув, сув буғи, кўпик, инерт газлар, кукунлар, сиқилган ҳаво ва қаттиқ моддалар кенг қўлланилади. Ўт ўчириш моддалари электр ўтказиш ва электр ўтказмаслик хоссаларига эга бўлади. Шунингдек, зарарли кам заҳарли ва заҳарсиз турларига булинади.

ХУЛОСА

Навоий вилоятида хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиб қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчаларининг мазмунини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан фарқлаш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий адабиётларда ушбу тушунчаларга доир турли хил қарашлар мавжуд бўлиб, ушбу тушунчаларга доир назарий мулоҳазалар келтирилди.

2. Хизмат курсатиш соҳаси истиқболда иқтисодиётнинг асосий соҳасига айланади. Хизмат курсатиш соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида, янги иш жойлари ва корхоналар бунёд этилади, мамлакатда янги хизматлар бозори пайдо бўлади, ҳудудий инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объектлари ислоҳ қилиниб унинг янги соҳалари вужудга келади.

3. Хизмат курсатиш соҳаларини ривожлантириш бандлик муаммосини айланиб, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имкониятини яратади. Бу биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорининг хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

4. Миллий кадриятларимизга кўра, вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида хизмат курсатиш соҳаларида тадбиркорлик фаолиятининг маҳаллий, анъанавий ва шаҳарбоп кўринишларини тиклаш ва рағбатлантириш шунингдек, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш йўналишидаги фаолиятларини тиклашда, уларга зарур бўлган бошланғич маблағ билан таъминлаш мақсадида имтиёзли кредитларни йўлга қўйиш лозим.

Шунингдек, соҳа тадбиркорлари учун кредитлар олиш имкониятларини

кенгайтириш ва эвазига уларнинг мулкый таъминланганлик даражасини янада ошириш мақсадга мувофиқдир.

5. Қишлоқ ва шаҳарларда ҳар қандай хизмат турини кўрсатаётган тадбиркорларга солиқлар ва ягона ижтимоий тўловларни янада камайтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, мазкур тўлов турлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва шу орқали аҳоли даромадларини кўпайтиришда муҳим омил сифатида намоён бўлади. Бу эса, хизмат кўрсатиш турларини кенгайтиришга имкон беради.

6. хизматлар курсатиш соҳасида иш билан бандликни таъминлаш мақсадида, янги корхоналар ташкил этиш, хусусан, йўловчи транспорт, уй-жой коммунал хизматлар, маиший хизматлар, бошқарув (соғлиқни сақлаш, дам олиш) бўйича хизматлар турини кенгайтириш ҳамда йирик саноат корхоналари ўртасида турли хизматлар бўйича ҳамкорликка янада кенг шароитлар яратиш зарурати пайдо бўлганлигидан келиб чиқиб уларни ривожлантириш йўналишлари асосланган.

7. Хизмат курсатиш соҳаларида тадбиркорликни юритиш учун тўсқинлик қилаётган омиллардан энг асосийси молиявий омиллар эканлигини инобатга олиб, микромолиявий институтларнинг ролини ҳам ошириш мақсадга мувофиқдир.

8. Вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиши учун қулай имкониятлар яратиш мақсадида тадбиркорлик ва мулкчилик ҳуқуқларига оид тўпламлар яратиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

9. Хизмат курсатиш соҳаси тадбиркорлик субъектларига кадрлар тайёрлаш, касби бўлмаган шахсларга бозор талабига мос касблар ўргатиш, хусусан хизмат соҳаларига мос мутахассислар тайёрлаш имкониятини кенг очиш, ахборот маслаҳатларини бериш учун зарур шаҳобчаларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги 1990 йил 31 октябрдаги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги 1991 йил 19 ноябрдаги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 1993 йил 6 майдаги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 2000 йил 25 майдаги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. – Т.: Адолат, 1996.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2003—2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 2003 йил 13 февралдаги 78-сон қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида “2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли қарори

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640-сонли қарори

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012-2016-йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сонли қарори

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2016 йилларда кишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2013 йил 17 апрелдаги ПҚ-1957-сонли қарори

14. Каримов И.А. “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичларга кўтарадиган йил бўлади” Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь

15. Каримов И.А. Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2015 йил 17 январь.

16. Абдукаримов Б.А., Мусаев Б.Ш. Коммунал хизматларни ташкиллаштириш аҳолига қулайликлар яратиш омили. Рисола. -Т.: “Фан ва технология”, 2007.

17. Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Ўқув қўлланма. Самарқанд. “Зарафшон”, 2010.

18. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. “Иқтисод молия”, 2011.

19. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Услубий тавсия. Т.: «Fan va texnoloqiya», 2007.

20. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Профессорлар М.Қ.Пардаев ва Х.Н.Мусаевлар таҳрири остида. “Иқтисод молия”, 2008.

21. www.gov.uz

22. www.Lex.uz

23. <http://www.stat.uz>

24. <http://www.ziyonet.uz>

25. <http://www.samarkand.uz>

26. <http://www.samstat.uz>